

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ  
ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**«АГРОКИМЁ ВА АГРОТУПРОҚШУНОСЛИК»  
ЙЎНАЛИШИ**

**«АГРОКИМЁВИЙ ТАДБИРЛАРНИ ИЛМИЙ АСОСДА  
ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎҒИТЛАРДАН  
ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ»  
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**Ўқув-услубий мажмуда**

**Тошкент-2021**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**АГРОКИМЁ ВА АГРОТУПРОҚШУНОСЛИК  
ЙЎНАЛИШИ**  
йўналиши

**“АГРОКИМЁВИЙ ТАДБИРЛАРНИ ИЛМИЙ АСОСДА ТАШКИЛ  
ЭТИШ ВА ЎҒИТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ  
УСУЛЛАРИ”**  
модули бўйича

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тошкент-2021**

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648 - сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчилар:** Н.И.Шадиева – Агрокимё ва тупроқшунослик кафедраси доценти, б.ф.д.  
Б.И.Ниязалиев- Агрокимё ва тупроқшунослик кафедраси профессори, қ.х.ф.д.

**Тақризчи:** **Хорижий эксперт:** P.A.Lamers - Бонн университети профессори, қ.х.ф.д.

**Ўқув -услубий мажмуа ТошДАУ Кенгашининг 2020 йил 5 декабрдаги 3- сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.**

## **МУНДАРИЖА**

I. ИШЧИ ДАСТУРИ .....	5
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	17
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР .....	21
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....	66
V. КЎЧМА МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ.....	94
V. КЕЙСЛАР БАНКИ .....	96
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....	109
VII. ГЛОССАРИЙ .....	112
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	117

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгacha ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқкан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илгор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш қўнималарини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмuni, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари, таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, илгор таълим технологиялари ва педагогик м аҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишининг

замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимларидан фойдаланиш ва масофавий ўқитишнинг замонавий шаклларини қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг маҳсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Мазкур ишчи дастурда олий таълим муассасаларида қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш, тупроқни ҳимояловчи инновацион технологиялар, тупроққа ишлов бериш ва ўғитларни комплекс қўллаш, тупроқ унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлигини ошириш борасидаги назарий-услубий муаммолар, тамойиллар, амалий ечимлар, илгор давлатларнинг тажрибаси ҳамда меёрий-хуқуқий хужжатларнинг моҳияти баён этилган.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**“Агрокимёвий тадбирларни илмий асосда ташкил этиш ва ўғитлардан фойдаланишининг замонавий усувлари” модулининг мақсади:** олий таълим муасасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсининг тингловчиларини қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш, тупроқни ҳимояловчи инновацион технологиялар, тупроққа ишлов бериш ва ўғитларни комплекс қўллаш, тупроқ унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлигини ошириш борасидаги инновацион ёндошувлар асосида соҳадаги илгор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришга қаратилган маҳорат ва компетенцияларини такомиллаштиришдан иборат.

**“Агрокимёвий тадбирларни илмий асосда ташкил этиш ва ўғитлардан фойдаланишининг замонавий усуллари” модулининг вазифалари:**

- педагог кадрларнинг агрокимё ва агротуроқшунослик йўналишида касбий билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;
- педагогларнинг агрокимё ва агротуроқшунослик борасидаги ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;
- агрокимё ва агротуроқшунослик жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш;
- агрокимё ва агротуроқшунослик соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;
- агрокимё ва агротуроқшунослик соҳасида ишлаб чиқариш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

**Модул бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар:**

**“Агрокимёвий тадбирларни илмий асосда ташкил этиш ва ўғитлардан фойдаланишининг замонавий усуллари” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчилар:**

- қишлоқ хўжалиги экинларини етириштиришни;
- агрокимёвий тадбирларни илмий асосда ташкил этишни;
- тупроққа ишлов бериш ва ўғитларни комплекс қўллашни;
- тупроқ унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлигини оширишни;
- тупроқни оғир металлар билан ифлосланишини;
- тупроқни бошқаришда азотнинг таъсирини **билиши керак**.
- экинлар ҳосилдорлигини башоратлаш;
- тупроқдаги озуқа элементларни самарадорлигини бошқариш;

- экинлар ҳосилдорлигини оширишда янги технологияларни қўллаш каби **кўникмаларига эга бўлиши лозим.**
  - ўғит қўллашда тупроқни ифлосланишини бартараф этиш;
  - қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш;
  - тупроқларни ҳимоя қилишда хорижнинг ресурстежамкор технологияларидан фойдаланиш;
  - ресурстежамкор усулларни тўғри танлаш бўйича **малакаларга эга бўлиши зарур.**
    - ўғит қўллашнинг ресурстежамкор усулларини тўғри танлаш;
    - тупроқшунослик ва агрокимёда тупроқ унумдорлигини тиклаш;
    - экинлар ҳосилдорлигини оширишда инновацион технологиялардан фойдаланиш бўйича **компетенцияларга эга бўлиши лозим.**

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

Модул мазмуни ўқув режадаги “Тупроқлар эволюцияси, генезиси, классификацияси ва ҳозирги ҳолати” ҳамда “Тупроқ унумдорлигини оширишда инновацион технологиялар” “Ғўзани ўғитлашда глобал иқлим ўзгаришларига мос минерал ва органик ўғитларни қўллашда инновацион агротехнологиялар” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагог кадрларнинг умумий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласди.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш, тупроқни ҳимояловчи инновацион технологиялар, тупроққа ишлов бериш ва ўғитларни комплекс қўллаш, тупроқ унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлигини ошириш борасидаги инновацион ёндашувлар асосида йўналишлари профилига мос зарурий билим, қўникма ва малакаларни ўзлаштирадилар.

**Модул бўйича соатлар тақсимоти:**

№	<b>Модул мавзулари</b>	<b>Тингловчининг ўқув юкламаси, соат</b>				
		<b>Хаммаси</b>	<b>Аудитория ўқув юкламаси</b>			<b>Кўчма машнупот</b>
			<b>Жами</b>	<b>Жумладан</b>	<b>Назарий</b>	
1	Микробиологик ва биоўғитлардан самарали фойдаланиш.	2	2	2		
2	Маҳаллий хом ашёдан таркибида микроэлементлари бўлган янги турдаги фосфорли ўғитни ғўзада қўллаш технологияси.	2	2	2		
3	Агрокимёвий карталарни тузиш ва ГАТ (геоахборот тизимлари)дан фойдаланиш.	2	2	2		
4	Ғўзани баргдан озиқлантиришда минерал ўғитлардан тайёрланган суспензияларни ва ўсишни созловчи моддаларни қўллаш технологияси.	2	2	2		
5	Тупроқларни агрокимёвий хусусиятлари ўрганишда педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш.	2	2		2	
6	Тупроқ ва ўсимлик таркибидаги озиқа моддаларни (NPK) замонавий аниқлаш ва ўрганиш услублари.	2	2		2	

7	Үғитларни кўллашда тупроқни оғир металлар билан ифлосланиши ва уларни ўсимликка таъсири.	4	4		4	
8	Ўсимлик ва тупроқ намуналарини агрокимёвий таҳлил ишларини замонавий асбоб-ускуналарда аниқлаш усувлари.	2	2		2	
1.1	“Тупроқ таркиби ва репозиторийси, сифати таҳлил маркази” ДУК қошидаги “Тупроқсифаттаҳлил” лабораториясида сайёр дарс ўтказиш	2	2			2
1.2	Дала шароитида тупроқнинг агрокимёвий хосса-хусусиятларини аниқлашда замонавий асбоб-ускуналардан фойдаланган ҳолда тезкор таҳлил қилувчи “Мобил лаборатория” лар билан танишиш	2	2			2
1.3	ТДАУ ҳузуридаги “Extension center” ДУК даги мавжуд замонавий иссиқхоналар ва уларни фаолияти билан танишиш	2	2			2
	<b>Жами:</b>	<b>24</b>	<b>18</b>	<b>8</b>	<b>10</b>	<b>6</b>

## **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-Мавзу: Микробиологик ва биоўғитлардан самарали фойдаланиш технологияси.**

1.1. Микробиологик ва биоўғитларни турлари ва тупроқни агрокимёвий хусусиятига таъсири.

1.2. Микробиологик ва биоўғитларни тупроққа қўллаш афзалликлари.

1.3. Микробиологик ва биоўғитларни қишлоқ хўжалиги экинлар ҳосилига таъсири.

**2-Мавзу: Маҳаллий хом ашёдан таркибида микроэлементлари бўлган янги турдаги фосфорли ўғитни ғўзада қўллаш технологияси.**

2.1. Маҳаллий хом ашёдан таркибида микроэлементлари бўлган янги турдаги фосфорли ўғитни тупроққа солинганда тупроқда агрокимёвий хусусиятларини ўзгаришига таъсири.

2.2. Маҳаллий хом ашёдан таркибида микроэлементлари бўлган янги турдаги фосфорли ўғитни ғўза бўлакларида озиқа унсурларини миқдор ўзгаришига ва уларни ўзлаштирилишига, 1 тонна пахта ҳосилига сарф бўлган NPK миқдорларига таъсири.

2.3. Маҳаллий хом ашёдан таркибида микроэлементлари бўлган оддий суперфосфат ўғитни ғўзани ўсиши, ривожланиши, қуруқ массага, ҳосил тўплашига ва пахта ҳосилининг сифатига таъсири.

**3-Мавзу: Агрокимёвий карталарни тузиш ва ГАТ (геоахборот тизимлари)дан фойдаланиш.**

3.1. Агрокимёвий карталар тузиш технологиялари.

3.2. ГАТ (геоахборот тизимлари)дан фойдаланган агрокимёвий карталар тузиш.

**4-Мавзу: Ғўзани баргдан озиқлантиришда минерал ўғитлардан тайёрланган суспензияларни ва ўсишни мувофиқлаштирувчи моддаларни қўллаш технологияси.**

4.1. Минерал ўғитлардан тайёрланган суспензиялар ва ўсишни мувофиқлаштирувчи модда турлари.

4.2. Ғүзани баргдан озиқлантиришда минерал ўғитлардан тайёрланган суспензия турлари.

4.3. Ғүзани баргини ўсишни мувофиқлаштирувчи моддаларни қўллаш технологияси.

## **АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-Мавзу:** Тупроқларни агрокимёвий хусусиятлари ўрганишда педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш.

**2-Мавзу:** Тупроқ ва ўсимлик таркибидаги озиқа моддаларни (NPK) замонавий аниқлаш ва ўрганиш услублари.

2.1. Тупроқ таркибидаги озиқа моддаларни (NPK) замонавий аниқлаш ва ўрганиш услублари.

2.2. Ўсимлик таркибидаги озиқа моддаларни (NPK) замонавий аниқлаш ва ўрганиш услублари.

**3-4-Мавзу:** Ўғитларни қўллашда тупроқни оғир металлар билан ифлосланиши ва уларни ўсимликка таъсири аниқлаш.

3.1. Ўғитларни қўллашда тупроқни оғир металлар билан ифлосланишини аниқлаш.

4.1. Тупроқни оғир металлар билан ифлосланишининг ўсимликка таъсирини аниқлаш.

**5-Мавзу:** Ўсимлик ва тупроқ намуналарини агрокимёвий таҳлил ишларини замонавий асбоб-ускуналарда аниқлаш усуллари.

5.1. Замонавий агрокимёвий асбоб-ускуналардан фойдаланиш.

5.2. Ўсимлик ва тупроқ намуналари таркибини замонавий асбоб-ускуналар оқали агрокимёвий таҳлил қилиш.

**Кўчма машғулот:** “Тупроқ бонитировкаси” шўйба корхонаси қошидаги “Тупроқ синов лабораторияси” га сайёр дарс ўтказиш: лаборатория шароитида ўсимлик ва тупроқ намуналарини агрокимёвий таҳлил ишларини замонавий асбоб-ускуналарда аниқлаш усуллари ва замонавий асбоб-ускуналардан фойдаланиш ва дала шароитида тупроқни

тезкор таҳлил қилишда “Мобил лаборатория”лар, ТДАУ хузуридаги “Extension center” ДУК даги мавжуд замонавий иссиқхоналар ва уларни фаолияти билан танишиш.

## **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Президенти асрлари**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

### **II. Норматив-хуқуқий хужжатлар**

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. 2020 йил 23 сентябрь.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 октябрдаги «Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва

қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тиёёзимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-5199-сонли Фармони.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “Қишлоқ хўжалигига ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5742-сон Фармони.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгacha ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сонли “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора – тадбирлари тўғрида”ги Фармони.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-2909-сонли Қарори.

### **Ш. Махсус адабиётлар**

18. Ишмухамедов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар.– Т.: “Нихол” нашриёти, 2013, 2016.–2796.
19. Креативная педагогика. Методология, теория, практика. / под. ред. Попова В.В., Круглова Ю.Г.-3-е изд.–М.: “БИНОМ. Лаборатория знаний”, 2012.–319 с.
20. Каримова В.А., Зайнутдинова М.Б. Информационные системы.- Т.: Aloqachi, 2017.- 256 стр.
21. Информационные технологии в педагогическом образовании / Киселев Г.М., Бочкова Р.В. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.: Дашков и К, 2018. - 304 с.
22. Natalie Denmeade. Gamification with Moodle. Packt Publishing - ebooks Accoun 2015. - 134 pp.
23. Paul Kim. Massive Open Online Courses: The MOOC Revolution. Routledge; 1 edition 2014. - 176 pp.
24. William Rice. Moodle E-Learning Course Development - Third Edition. Packt Publishing - ebooks Account; 3 edition 2015. - 350 pp.
25. English for academics. Cambridge University Press and British Council Russia, 2014. Book 1,2.
26. Karimova V.A., Zaynudinova M.B., Nazirova E.Sh., Sadikova Sh.Sh. Tizimli tahlil asoslari.– Т.: “O’zbekiston faylasuflar milliy jamiyati nashriyoti”, 2014.–192 b.
27. Yusupbekov N.R., Aliev R.A., Aliev R.R., Yusupbekov A.N. Boshqarishning intellectual tizimlari va qaror qabul qilish. –Toshkent: “O’zbekiston milliy ensiklopediyasi” DIN, 2015. -572b.
28. David E. Clay John F. Shanahan GIS Applications in Agriculture Volume Two Nutrient Management for Energy Efficiency USA, 2011year
29. Почвозащитное и ресурсосберегающее земледелие: Теория и методика исследований. FAO-CYMMIT, Анкара, 2015. – 175 с. ISBN 978-92-5-408795.

30. Rattan Lal, B.A. Stewart. Principles of Sustainable Soil Management in Agro ecosystems RC Press USA, 2010. 256.pa.
31. Roy E. Olson From Soil Behavior Fundamentals to Innovations in Geotechnical Engineering merican Society of Civil Engineers USA, 2014
32. Махсудов Х.М., Гафурова Л.А. “Эрозияшунослик” дарслик Тошкент 2014.
33. Lal, R., B.A. Stewart. Principles of Sustainable Soil Management in Agroecosystems. 2006. CRC Press, USA.
34. Rattan Lal. Soil Quality and Agricultural Sustainability. 2006. CRC Press, USA
35. Methods of Soil Analysis. Part 3. Chemical Methods (Soil Science Society of America Book Series, No. 5). (Ed. Donald Sparks)
36. Blanco, H., R. Lal. Principles of soil conservation and management. 2008. Springer.
37. B. Niyazaliev, N.Ibragimov. Effects of composts application with inorganic fertilizers on soil organic carbon and productivity of irrigated cotton (*Gossypium hirsutum L.*) in Uzbekistan.// Journal of Cotton Research and Development, 2017, 31 (1) 56-61 (January, 2017) P.56-61.
38. Ниязалиев Б.И., Тиллабеков. Б.А. Влияние фосфорных удобрений, содержащих микроэлементы (медь и молибден), на содержание подвижного фосфора в почве и урожайность хлопчатника.// Актуальные проблемы современной науки. Москва, 2017, №5 (96) . С 86-88.
39. Сатторов Ж.С. Минерал ўғитлар самарадорлигини ошириш йўллари. Монография. Тошкент-2018.
40. Ниязалиев Б.И., Ибрагимов Н.М. Эффективность применения органических и органоминеральных удобрений в хлопководстве. монография. 2019 г. Тошкент-2019 г, Издательство «Навруз», 396 с.
41. Ниязалиев Б.И., Тиллабеков Б.А. Мис ва молибденли фосфорли ўғитнинг ўсимлик таркибидағи микроэлементлар микдори ва пахта ҳосилига

таъсири:// Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги» журналиниг «Агроилм» илмий иловаси.- Тошкент.2020. -№ 1(64). Б.5-6.

#### **IV. Интернет сайтлар**

- 42.Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги:  
[www.edu.uz](http://www.edu.uz).
- 43.Бош илмий-методик марказ: [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)
- 44.[www. Ziyonet. uz](http://www.Ziyonet.uz).
- 45.[www. Principles of Soil Conservation and Management.pdf](http://www.Principles-of-Soil-Conservation-and-Management.pdf).
- 46.[www. Ziyonet. Uz](http://www.Ziyonet.Uz)
- 47.[Infocom.uz](http://www.infocom.uz) электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
- 48.<http://www.un.org/sustainabledevelopment/sustainable-development-goals/>
- 49.<https://sustainabledevelopment.un.org/?menu=1300>
- 50.<http://www.amazon.com/Principles-Sustainable-Management-Agroecosystems-Advances/dp/1466513462>
- 51.<http://www.fao.org/ag/ca/>
- 52.<http://conservationagriculture.mannlib.cornell.edu/>
- 53.[https://en.wikipedia.org/wiki/Precision\\_agriculture](https://en.wikipedia.org/wiki/Precision_agriculture)
- 54.[https://en.wikipedia.org/wiki/Organic\\_farming](https://en.wikipedia.org/wiki/Organic_farming)
- 55.[www.publish.csiro.au › ... › Environmental Chemistry](http://www.publish.csiro.au › ... › Environmental_Chemistry)
- 56.<http://soilerosion.net>
55. [www.kutubxona.uz](http://www.kutubxona.uz)
56. [www.booksee.org](http://www.booksee.org)
57. [www.soil](http://www.soil) science
58. [www.soil](http://www.soil) mapping

## **II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ**

### **Хулосалаш» (Резюме, Веер) методи**

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гурӯҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

## Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гурӯҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гурӯҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади;



ҳар бир гурӯҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласди;



навбатдаги босқичда барча гурӯҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлр билан тўлдирилади ва мавзуу якунланади.

### Намуна:

#### Агрокимёвий тадбирларни илмий асосда ташкил этиш ва ўғитлардан фойдаланишнинг замонавий усувлари

Минерал ва органик ўғитларнинг ўрни	Минерал ва органик ўғитларнинг экологияга таъсири		
Ижобий	Салбий	ОЛДИНИ ОЛИШ	КЕЛИБ ЧИҚИШИ

-	-		
<b>Хулоса:</b>			

### **“Тушунчалар таҳлили” методи**

**Методнинг мақсади:** мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тинловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади ( индивидуал ёки гурӯҳли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшилтиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

**Намуна: “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”**

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот


**Изоҳ:** Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади.

### **III. НАЗАРИЙ МАШғУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

#### **1-МАВЗУ: МИКРОБИОЛОГИК ВА БИОЎҒИТЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

##### **РЕЖА:**

1. Микробиологик ва биоўғитларни турлари ва тупроқни агрокимёвий хусусиятига таъсири.
2. Микробиологик ва биоўғитларни тупроққа қўллаш афзалликлари.
3. Микробиологик ва биоўғитларни қишлоқ хўжалиги экинлар ҳосилига таъсири.

**Таянч сўзлар:** *Микробиологик ўғитлар, биоўғитлар, тупроқ, микроорганизм, органик модда, тупроқ унумдорлиги, озиқа моддалар*

Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуслари билан 2017-2021 йилларга мўлжалланган, Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилди. Ҳарактлар стратегиясида қишлоқ хўжалигига жадал фойдаланиладиган суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, мелиоратив ва ирригация объектларнинг тармоғини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг барча соҳаларида

замонавий, илғор ресурстежамкор усулларни қўллаш орқали, қишлоқ хўжалигини модеринизация қилиш ва жадал ривожлантиришга алоҳида ўрин берилган. Кўп йиллик тўпланган маълумотларга кўра, кейинги йилларда республикамизнинг кўп минтақалари тупроқларида гумус ва асосий озиқа элементлар миқдори кескин камайганлиги кузатилмоқда. Бундай минтақаларга Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Сурхондарё, Қашқадарё, Навоий ва бошқа вилоятларни киритиш мумкин. Бундай ҳолатни келиб чиқишининг сабабларидан бири аввалги йилларда узоқ муддат сурункасига ғўза экини экилиши натижасида, илмий асосланган алмашлаб экишнинг издан чиқиб кетганлиги, факат минерал ўғитлар қўлланилиб, органик ўғитларга етарли аҳамият бермаслик тупроқларнинг асосий хоссаларини ёмонлашганлиги, энергия ва унумдорлик манбаи бўлган тупроқ органикасининг камайиб кетганлигидир.

Ушбу вазифаларни амалга оширишда тупроқ унумдорлигини пасайиб кетишининг олдини олиш мақсадида илмий асосланган тавсияномаларга биноан ҳар гектар майдонга икки ёки уч йилда бир маротаба 20-30 тонна гўнг ёки компост қўллаш тақозо этилади. Аммо ҳозирги кунда мамлакатимизда тўпланадиган гўнг ва бошқа органик ўғитлар миқдори етишмаслиги сабабли, уларни бир гектар майдонга тўғри келадиган миқдори ўрта ҳисобда 6-7 тоннани ташкил этади. Бу таҳчилликни қорамол гўнги билан бир қаторда органик ўғитлардан (от гўнги, гидролизли лигнин, парранда қийи, шаҳар чиқинди қолдиқлари, дараҳт барглари, ем - ҳашак бўла олмайдиган ҳазон ва бошқа экинларни чиқиндилари) самарали фойдаланиш билан бир қаторда табиий заҳиралари мавжуд бойитилган кўмир кукуни, фосфорит ва ноанъанавий агрорудалардан (бентонит, бентонитсимон лойлар, глауконитлар ва бошқалар) органо - минерал компостлар тайёрлаб, қишлоқ хўжалик экинларида қўллаш орқали камайтириш мумкин. Шунингдек, органик ўғитлар миқдорини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш усулларидан бири биоўғитлардан ва биогумусдан самарали фойдаланишdir.

**Микробиологик ва биоўғитларни турлари ва тупроқни агрокимёвий хусусиятига таъсири.** Тупроқнинг унумдорлигини оширишда асосий ролни тупроқ микроорганизмлари ўйнайди ва у фойдали микроорганизмларсиз бўлмайди. Тупроқнинг унумдорлигини айнан, уларнинг миқдори ва хилма-хиллигига боғлиқ. Соғлом унумдор тупроқнинг ҳар бир граммида 5 миллиардан ортиқ бактериялар бор. 1га майдоннинг соғлом тупроғи 25см қатламида микроорганизмларнинг массаси 3 тоннани ташкил этиши мумкин. Биз тупроқ микрофлорасини тикламасдан, унумдорлигини ошира олмаймиз. Шу сабабли, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш технологиясида тегишли эътиборни фойдали тупроқ микрофлорасига қаратиш лозим. XXI аср биотехнология асли деб эълон қилинди. Ҳозирги кунда бутун жаҳонда аграр соҳани ривожлантириш концепцияси қайтадан кўриб чиқилмоқда ва соҳани секин-аста жадал техногенли усуллар билан бошқаришда, дехқончиликда биотехнологияларни фаол қўллашга ўтилмоқда. Охирги йилларда, 50та ривожланган давлатларда, жумладан, АҚШ, Канада, Германия, Голландия, Япония, Хиндистон, Хитой, Россия ва бошқа давлатларда ,қишлоқ хўжалик соҳасида арzon усуллар, ЭМ-технологияни бутун жаҳонда “сайёralар умиди” деб аташмоқда. ЭМ-технологиянинг мақсади тупроқда фойдали микрофлорани ривожланиши учун оптимал шароит яратиш, қўлланиладиган ўғитларнинг фойдали ҳаракат миқдори ва ўсимликларнинг ҳосилдорлигини ошириш, патоген микрофлоранинг ривожланишини тўхтатиш ва тупроқни ҳамда ўсимликларни соғломлаштиришдан иборат.



Тупроқ унумдорлиги ва қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини ошириш учун ЎзРФА Микробиология институти тупроқ микробиология лабораториясида ЭМ-технология туркумидаги янги

FOSSTIM-1, FOSSTIM-3 бактериал ўғитлар, RIZAKOM-1 ва RIZAKOM-2 комплекс таъсир этувчи биопрепаратлар яратилган. Улар таркибига кирувчи фойдали бактериялар уруғларни экишдан олдин ишлов бериш учун кўлланилади. Уруғ билан бирга бактериялар тупроққа тушиб, ерда ривожланади. Ўзларидан антибиотик моддалар ажралиб, илдиз тизимининг ривожланишини таъминлайди ҳамда потоген микрофлорани бостиради. Шу сабабли ҳам уларни биофуницидлар сифатида ишлатиш мумкин. Тупроқнинг биологик фаоллиги, ҳамда ундаги микроорганизмларнинг микдори ва фаоллиги, органик моддаларнинг микдори ва таркиби билан чамбарчас боғлик. Шу сабабли органик ўғит сифатида экинларни илдиз орқали озиқлантиришда **BIOKOM**–биокомпостины ишлатиш мумкин. Барча



экинларни илдиз орқали суғориш ва барглари орқали озиқлантириш учун эса яшил микросувўтлар асосидаги **SERHOSIL** биопрепарати қўлланилади. Тупроқ микробиологларнинг асосий вазифаси, тупроқдан барча озиқ макро-микроэлементларни олишdir. Буни қандай йўл билан амалга оширилади: тупроққа етмаётган органик ва минерал ўғитлар микдорини солиш ва у ерга зарур микроорганизмларни бериш лозим. Шундай қилиб, биз ердан олдин кўмиб қўйилган осон ўзлаштириладиган озиқ моддаларни совга сифатида олиш имконига эга бўламиз ва ўсимликларни қўшимча харажатларсиз ва ҳаракатларсиз озиқлантира оламиз. Биотехнологиялар ЭМ-технология–FOSSTIM туркумидаги бактериал ўғитлар, RIZAKOM туркумидаги биопрепаратлар ва BIOKOM биокомпостины комплекс қўллашга асосланган.

**“Байкал ЭМ1”** микробиологик ўғити сувли эритма шаклида бўлиб, таркибидаги микроорганизмлар тупроқни турли ферментлар, физиологик фаол моддалар ҳамда бошқалар билан бойитиб, уларнинг фаоллигини

кучайтиради, натижада улар ҳаводаги азотни кўпроқ ўзлаштириб, ернинг унумдорлигини оширади. Бундан ташқари ўсимликларда кечадиган физиологик жараён, фотосинтез ва нафас олишини яхшилайди, ўсиш-ривожланишини тезлаштиради. Шунингдек, гўнг ва органик ўсимлик қолдиқларини тез парчалаб, чириндига айланишини тезлаштиради. Бу ўғитни бир гектар майдонга жами 20литр миқдорида қўллаш тавсия этилади. Дастрраб шудгорланган майдонга 10литр миқдорида ёмғирсимон равишда сепилади ва бороналанади. 8-10сантиметр чуқурликка тушган ўғит тупроқнинг микробиологик фаолиятини жадаллаштиради, барча хусусиятларини яхшилайди. Натижада тупроқдаги ўсимлик ўзлаштириши қийин кечадиган микроэлементларни парчалаб, осон ўзлаштирадиган ҳолатга келтиради. Ғўза 3-4чин барг чиқарганда бир гектар майдон ҳисобига 3литр препаратни сувга аралаштириб ОВХ ёки авиация ёрдамида куннинг қуёшсиз пайтида сепилади.

Кейинги ишловлар шоналаш-гуллаш босқичида 3,5л/га ҳамда кўсаклай бошлаганданда 3,5л/га миқдорида ўтказилади. Галлада майсалар тупланиш даврида 3, найчалашда 3,5, бошоқлай бошланганда 3,5л/га миқдорида пуркалади. Натижада ўсимликнинг ўсиши тезлашади, илдизи бақувват бўлиб, ривожланади, турли касаллик ва заарқунандаларга чидамлилиги ҳамда ҳосилдорлик ортади, ҳосил 15-20 кун эрта пишиб этилади. Ушбу препаратни қишлоқ хўжалик экинлари уруғини ивитиш ёки вегетация даврида пуркаш орқали қўлланилади. Масалан, биринчи марта бир гектар майдонга 5литр “Байкал ЭМ1” эритмаси 300 литр сувга аралаштириб сепилади. Иккинчи марта эрта баҳорда ерни экишга тайёрлашда, бороналаш олдидан, учинчи марта эса ғўза 3-5 чин барг ҳосил қилганда юқоридаги миқдорда қўлланилса ҳосилдорлик 29-37% гача ортиши тажрибаларда исботланган. Шунингдек, Пахта селекцияси, уругчилиги ва этиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида (ПСУЕАИТИ) Ш.Х. Абдуалимов томонидан олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, Байкал ЭМ-1 препарати стимулятор сифатида бошқа микробиологик

стимуляторларга андоза сифатида синов тажрибалари ўтказилганда, чигит унувчанлиги 8-10% тезлашиб, пахтадан қўшимча 2,0-2,5 ц/га ҳосил олингани аниқланган.



**МЭРС-микробиоўғити-тупроқда** 35%гача намликин сақлаб тўради ва минерал ўғитлар билан биргаликда қўлланилганда ўсимлик ўғитни тўлиқ ўзлаштиради. Тупроқ ҳаводан оладиган азот, фосфор ва бошқа элементларни эритиб, ўсимлик илдизга етказиб берадиган микроорганизмларнинг микдори 5 баробаригача кўпайиши натижасида ўсимлик кўшимча азот билан таъминланади. Тупроқ, фосфор ва ўсимликларни шаклланишига оид 16-20 макро ва микро элементлардан максимал фойдаланади. Минерал ўғитларнинг самарадорлигини 20-25-фоизгача ортириши билан бошқа ўғитларни икки баробаргача кам сарфлаб, юқори ҳосил олиш имкониятини беради. Мутахасиснинг айтишича, ушбу препаратни ғўзага ишлатишда уругни дорилашдан бошлаш керак. Бир гектар майдонга етадиган уругни экишдан бир қун аввал 0,1-0,2 литр препарат 3,0 литр сувда аралаштириб пуркалади. Иккинчи ишлов ғўза 3-5 чин барг чиқарганда 0,4-0,5 литр препарат 300 литр сувда эритиб суспензия сифатида қўлланилади. Учинчи ишлов шоналаш даврида 0,5-0,7литр, тўртинчи ишлов эса гуллаш даврида гектарига 0,8 литр препаратни 300 литр сув билан аралаштириб амалга оширилади.

Ушбу биоўғитлар ўз муддатларида ва меъёрларда қўлланилиб, агротехник тадбирлар ўз муддатларида ўтказилса, нафақат пахта ва ғаллачилиқда, балки боғдорчилик, полизчилик сабзавот ва дуккакли экинлар этиштиришда ҳам юқори самара беради.

Одам организмининг нормал ривожланиши учун баъзи минерал минерал бирикмалар, чунончи, темир, фосфор, калий, кальций, натрий, магний тузлари, йод ва бошқа элементлар зарур бўлиб, сабзавот ва мевалар ана шу

бирикмаларнинг асосий манбай ҳисобланади. Шундай экинлардан бақлажон (*Solanum melongena* L.) – томатдошларга мансуб бўлиган бир йиллик ўсимлик ҳисобланади. У ёввойи ҳолда Жанубий ОСИё – Ҳиндистон ва Мьянмада ўсади. Ўзбекистонда қадимдан маданийлаштирилган. Булғор қалампири (*Capsicum annum* L.) томатдошларга мансуб бир йиллик сабзавот экини бўлиб, ватани Америка. Деярли барча мамлакатларда стиштирилади. Марказий Осиёда, шу жумладан Ўзбекистонда кўп экиладиган экин турларидан ҳисобланади. “Fan-don” маъсулияти чекланган жамияти томонидан ишлаб чиқарилган.



“Fan-agro” минерал ўғитидан фойдаланилди, шунингдек Fan-agro” минерал ўғити *B.subtilis* BS-26 штаммли микроорганизмлар билан иммобилизация қилиниб, “Fan-agro Bio” деб номланган биоминерал ўғитидан фойдаланилди. (М.Хонкелдиева, К.Бухоров, С.Ўтаганов. 2020).

Минерал ва биоминерал ўғитлар таъсирида бақлажон ҳамда булғор қалампирининг биометрик кўрсаткичлари ўзгаришига таъсир қилиб, бақлажонда илдизининг узунлиги назорат вариантида 35,3 смни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич “Fan-agro” ўғити қўлланилган вариантда 47,4 смни, бу кўрсаткич “Fan-agro Bio” биоминерал ўғити билан озиқлантирилганда 56,2 см га етган. Ўсимликнинг узунлиги бўйича таққосланганда, бақлажонда, назорат вариантига (45,3 см) нисбатан “Fan-agro” ўғити қўлланилган вариантда 17,9 смга (63,2 см), “Fan-agro Bio” биоминерал ўғити ишлатилган вариантда эса 47,2 смга (97,5 см) узун бўлган. Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, бақлажон ва булғор қалампири ўсимликларнинг тадқиқ қилинган биометрик кўрсаткичлари бўйича, яъни илдиз узунлиги, ўсимлик бўйининг узунлиги, мева массалари бўйича олинган тажриба маълумотлари таҳлил қилинганда “Fan-agro Bio” биоминерал ўғити қўлланилган вариант кўрсаткичлари “Fan-agro” ўғити қўлланилган вариантдагидан юқори бўлганлиги аниқланди (1-жадвал).

## 1-Жадвал

### Минерал ва биоминерал ўғитлар таъсирида сабзавотлар биометрик кўрсаткичларнинг ўзгариши

Биометрик кўрсаткичлар	Тажриба варианлари		
	Назорат(ўғитсиз)	“Fan-agro”	“Fan-agroBio”
	Бақлажон		
Илдизнинг узунлиги, см	35,3+0,09	47,4+0,08	6,2+0,07
Ўсимликнинг узунлиги, см	45,3+1,05	63,2+1,23	97,5+ 1,46
Мева массаси, г	112,3+2,05	147,2+3,007	200,4+5,06
Ҳосилдорлик, кг/м <sup>2</sup>	6,5+0,61	8,8+0,31	12,5+0,45
	Бўлғор қалампири		
Илдизнинг узунлиги, см	21,3+0,06	27,5+0,05	35,1+0,09
Ўсимликнинг узунлиги, см	32,7+2,18	47,5+4,07	80,3+5,55
Мева массаси, г	60,3+2,06	83,5+3,09	21,9+4,07
Ҳосилдорлик, кг/м <sup>2</sup>	4,86+0,59	6,61+0,24	9,25+0,75

Шунингдек, олинган натижалар шуни кўрсатдики, “Fan-agroBio”биоминерал ўғити , “Fan-agroBio”биоминерал ўғити Fan-agro” минерал ўғитига нисбатан ҳосилдорлик бўйича ҳисобланганда ҳам 1,4 баробар, назорат вариантига нисбатан эса 1,9 баробар юқори самарадорликка намоён бўлди.

Хуроса қилиб шуни айтиш мумкинки, бақлажон ва булғор қалампири ўсимликларни озиқлантиришда “Fan-agro” минерал ўғитига нисбатан, “Fan-agro Bio”биоминерал ўғити юқори самарадорликни намоён этиб, ҳосилдорлик ва юқори кўрсаткичларга бўйича устунликка эга бўлди.

**Микробиологик ва биоўғитларни тупроқка қўллаш афзалликлари:**

- уругларни дала шароитида униб чиқишини оширади;
- тупроқ микрофлораси ва озиқ элементлари балансини яхшилайди;
- тупроқдаги макро-микроэлементларни ўсимликлар ўзлаштирадиган шаклга ўтказади;

-ўғитларнинг фойдали ҳаракат миқдорини оширади; -минерал ўғитлар миқдорини 30-50% га камайтиради;

-сув сарфини камайтиради ва кимёвий фунгицидларнинг ўрнини босади;

-деградацияга учраган ва шўрланган тупроқларнинг унумдорлигини қайта тиклайди ва оширади, гумус ҳосил бўлишини жадаллаштиради, тупроқ, микро-биотасини соғломлаштиради;

-экинларнинг касалланишини пасайтиради; -касалликларга, нокулай об-хаво шароитларига, курғоқчиликка ва совуққа чидамлилигини оширади;

-экинларнинг ҳосилдорлиги, таъм сифати ва сақланувчанлигини кучайтиради;

-ғўзанинг ҳосилдорлиги 8-10 ц/га, кузги буғдой 7,5 ц/га, бодринг-3-4 ц/га, картошка 5,2-5,9 т/га, қанд лавлаги 45 т/га ошади, экинларни анъанавий технологиялар билан етиштиришга нисбатан моддий ва меҳнат ресурслари кам сарфланади;

-қатор хўжаликларга янги турдаги, жумладан, экологик тоза (сабзавот экинларини анъанавий технологиялар билан етиштиришга нисбатан, бир мавсум давомида бодрингларда нитратлар 10,3% га камайган ва витамин С 2,9%га ошган; картошкада нитратлар 10,6 % га камайган, витамин С 1,2% ва крахмаллиги 2% ошган) маҳсулотларни ишлаб чиқариш имконини беради;

-меваларда витаминлар ва каротин миқдорини оширади; -ҳосилнинг пишиш муддатини 10-15 кунга тезлаштиради;

-ишлаб чиқариш рентабеллигини –ғўза 52%, буғдой 45%, сабзавот экинларида ўртacha 44-90% ошади.

### *Мавзу юзасидан назорат саволлари.*

1. Тупроқ унумдорлиги ва қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини ошириш учун ЎзРФА Микробиология институти олимлари томонидан қайси бактериал ўғитлар ва биопрепаратлар яратилган.

2. Янги биотехнологиялар қайси афзалликларга эга.

3. Байкал ЭМ-1микробиологик ўғити таркибидаги микроорганизмлар тупроқни қандай моддалар билан бойитади.

4. Байкал ЭМ-1микробиологик ўғитини ғүзани парваришилашда қайси муддатларда ва қанча меъёрларда қўлланилади.

5. МЭРС –микрбиоўғити қўлланилганда минерал ўғитларни самарадорлигини неча фоизгача ошириб беради.

6. МЭРС –микрбиоўғити ғүзани парваришилашда қўлланилганда қайси муддатларда ва қанча меъёрларда қўлланилади.

7. “Fan-agro” минерал ўғити ва “Fan-agro-Bio” биоминерал ўғитини тупроққа солинганда қандай хусусиятга эга.

8. “Fan-agro” минерал ўғити ва “Fan-agro-Bio” биоминерал ўғити бақлажон ва булғор қалампирини ўсиши, ривожланишига ҳосиодорликка қандай таъсир этади.

9. Сабзавот ва полиз экинларда микробиологик ва биоўғитлар қўлланилганда ҳосил сифатига қандай таъсир кўрсатади ҳамда қандай маҳсулот олишга эришилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Монография «Оценка эффективности микробных препаратов в земледелии»/ Под общ. ред. А.А.Завалина. М: РАСХН, 2000. - 82 с., Тр. ВИУА, ISSN 0131-3991.

2. Завалин А.А. Эффективность применения биомодифицированных минеральных удобрений ФГБНУ «Всероссийский научно-исследовательский институт агрохимии имени Д. Н. Прянишникова», сборник докладов круглого стола в рамках XX Менделеевского съезда по общей и прикладной химии «Применение химических веществ, ионизирующих и неионизирующих излучений в агробиотехнологиях». Москва, 21 сентября 2016 г., Обнинск: ФГБНУ ВНИИРАЭ. стр. 13-17.

3. Звягинцев Д.Г. Методы почвенной микробиологии и биохимии. Москва, 1991. - 350 с.

- 4.** Сеги Й. Методы почвенной микробиологии и биохимии. Венгрия, 1983.
- 5.** .Döbelin, N., Kleeberg, R., Profex: a graphical user interface for the Rietveld refinement program *BGMN*, Journal of Applied Crystallography 48 (2015), 1573-1580.
- 6.** Зокиров Т.С. Пахта даласи экологияси. Тошкент, «Меҳнат», 1988.54-76 бет услубий қўлланма
- 7.** Мусаев Б.С. Тажриба ишлари услубиёти (ўқув қўлланма). Тошкент, «Университет», 1995.
- 8.** Мусаев Б.С. Агрокимё (дарслик). Тошкент, «Шарқ», 2001.
- 9.** Сатторов Ж.С. Минерал ўғитлар самарадорлигини ошириш йўллари. Монография. Тошкент-2018.
- 10.** Sattarov J. [va boshq.]; Agrokimyo. Toshkent, Cholpon, 2011.Б.552
- 11.** Смирнова П.М., Муравина Э.А. Агрохимия - 2-е изд., перераб. и доп. - М.:Колос, 1984. -304с. под ред.
- 12.** Б.И. Ниязалиев, Н.М.Ибрагимов Эффективность применения органических и органоминеральных удобрений в хлопководстве. монография. 2019 г. Тошкент-2019 г, Издательство «Навруз», 396 с.
- 13.** Патент UZ IAP 04712, 2013 г. Штамм фосформобилизующих бактерий *Bacillus subtilis* BS-26 с полифункциональными свойствами для использования в растениеводстве/ Джуманиязова Г.И., Закирьяева С.И., Нарбаева Х.С., Зарипов Р.Н., Бережнова В.В., Карабоджаева Х.Т., Икрамова С.Н., Ким А.А., Ядгаров Х.Т // 2013.
- 14.** Чеботарь В.К., Завалин А.А., Ариткин А.Г.. Применение биомодифицированных минеральных удобрений // Ульяновск. УлГУ, 2014
- 15.** Дала тажрибаларини ўтказиш услублари.ЎзПИТИ. Тошкент. 2007. 44 б.
- 16.** Журналлар: «Агрохимия», «Ўзбекистон аграр фани хабарномаси», «Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги» журнали, “Агроилм. Ўзбекистон

қишлоқ ва сув хўжалиги” журнали илмий иловаси,-“Агрокимё ҳимоя ва ўсимликлар карантини”,

**17.** .<http://naukarus.com/vliyanie-mineralnyh-udobreniy-biomodifitsirovannyh-mikrobnym-preparatom-bisolbifit-na-urozhay-yarovogo-yachmenya>

**18.** Г Джуманиязова, Х.Нарбаева, Ч.Саимназарова. Экологически безопасная ресурсосберегающая биотехнология для повышения плодородия почв и производства органической продукции. Узбекистон республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кумита Ахборотномаси, Ташкент, 2018 № 2, 58-63 б.

**19.** Закирьяева С.И., Джуманиязова Г.И., Арипов Т.Ф. Влияние минеральных и биоминеральных удобрений на корнеобразование, рост и развитие озимой пшеницы // Материалы Республиканской научной конференции «Современные проблемы генетики, геномики и биотехнологии», Ташкент, 2018.С.224-226.

**20.** Закирьяева С., Джуманиязова Г. Арипов Т. Влияние минеральных и биоминеральных удобрений на корнеобразование, рост и развитие озимой пшеницы. Научно-практический ж. Agro kimyo himoya va o'simliklar karantini. Ташкент, № 1.2019. с.9-1

**21.** Джуманиязова Г.И. Микробиологик биоўғитлар – тупроқ унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлигини оширади. Узбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги Аграр-иктисодий, илмий-оммабоп журнали. Тошкент.2019 й, № 10. 23-26. б.

**2-МАВЗУ: МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁДАН ТАРКИБИДА МИКРОЭЛЕМЕНТЛАРИ БЎЛГАН ЯНГИ ТУРДАГИ ФОСФОРЛИ ЎГИТИНИ ҒЎЗАДА ҚЎЛЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**РЕЖА:**

2.1. Маҳаллий хом ашёдан таркибида микроэлементлари бўлган янги турдаги фосфорли ўғитни тупроққа солинганда тупроқда агрокимёвий хусусиятларини ўзгаришига таъсири.

2.2. Маҳаллий хом ашёдан таркибида микроэлементлари бўлган янги турдаги фосфорли ўғитни гўза бўлакларида озиқа унсурларини миқдор ўзгаришига ва уларни ўзлаштирилишига, 1 тонна пахта ҳосилига сарф бўлган NPK миқдорларига таъсири.

**Таянч сўзлар:** маҳаллий хомашё, микроўғитлар, фосфорли ўғит, гўза бўлаклари, гўзани ривожланиши босқичлари, тупроқ унумдорлиги, озиқа моддалар

**Маҳаллий хом ашёдан таркибида микроэлементлари бўлган оддий суперфосфат ўғитни ғўзани ўсиши, ривожланиши, қуруқ массага, ҳосил тўплашига ва пахта ҳосилининг сифатига таъсири.** Таркибида мис ва молибден бўлган суперфосфат ўғити азот ва калий ўғитлари билан биргаликда қўлланилганда мақбул меъёр ва муддатларини тупроқни агрокимёвий, хусусиятларига ҳамда ўсимликда озиқа моддаларни (NPK) ўзлаштирилишига, пахта ҳосили ва сифатига қай даражада таъсир этаётганлигини аниқланди. Маҳаллий хом ашёдан таркибида микроэлементлари бўлган янги турдаги фосфорли ўғитни азотли ва калийли ўғитлар билан биргаликда қўлланилиши натижасида, ғўзани касаллигига чалиниши камайиб, чигит вазни ва мойдорлиги ҳамда пахта ҳосилдорлиги ортиб, тола сифати яхшиланишига эришилган. Дала тажрибалари қўйидаги тизимда олиб борилган (2-жадвал)

**2-жадвал**

**Дала тажрибасининг тизими**

Вариант №	Минерал ўғитларни йиллик мөъёрлари кг/га			Кузги шудгор кг/га		2-3чин баргда кг/га	Шоналашда кг/га			Гуллашда кг/га	
	N	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O		N	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O	N	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>
1	200	-	100	-	50	50	75	-	50	75	-
2	200	*140	100	100	50	50	75	-	50	75	40
3	200	140	100	100	50	50	75	-	50	75	40
4	200	140+ Cu+ Mo	100	100+ Cu+ Mo	50	50	75	40+ Cu+ Mo	50	75	-
5	200	140+ Mo	100	100+ Mo	50	50	75	40+ Mo	50	75	-
6	200	140+ Cu+ Mo	100	100+ Cu+ Mo	50	50	75	-	50	75	40+ Cu Mo
7	200	140+ Mo	100	100+ Mo	50	50	75	-	50	75	40+ Mo

**Эслатма:** Фосфорли ва калийли ўғитлар тупроқдаги P2O5 ва K2O микдорларига боғлиқ ҳолда табақалаштирилади.

2-вариантда \* P2O5- хўжаликда қўлланиладиган фосфор ўғити

3-вариантда P2O5 - оддий суперфосфат ўғити

4 ва 6 вариантда P2O5 - оддий суперфосфат ўғитига мис ва молибден (Cu ва Mo) микроэлементлари қўшилган(Cu-1-2кг/га , Mo- 0,5кг/га ғўза экинига тавсия этилган мөъёрлар ҳисоби бўйича)

5 ва 7 вариантда P2O5 - оддий суперфосфат ўғитига молибден ( Mo) микроэлементи қўшилган (Mo-0,5-кг/га ғўза экинига тавсия этилган мөъёрлар ҳисоби бўйича)

Тажрибанинг ғўза вегетацияси охирида олиган тупроқларда варианtlар бўйича гумус ҳамда умумий азот, фосфор, калий микдори дастлабки ҳолат,

вегетация бошланишидаги яқин бўлиб, қўлланилагн органик ўғиталрни бу элементалр миқдорига таъсири юқоридаги-дастлабки ҳолатдагидек эканлиги кузатилади (3-жадвал).

Гўза экишдан аввал дастлабки ҳолатда вариантлар бўйича фақат ҳаркатчан фосфорнинг миқдори юқори меъёрда минерал ўғитлар қўлланилган назорат вариантларга нисбатан меъёрда микроэлементлар билан бойитилиб қўлланилагн вариантларда 1,1-1,3 марта ортганлиги, қолган ҳаракатчан элементларида уларнинг миқдори деярли яқин бўлган.

### **3-жадвал**

#### **Типик бўз тупроқнинг агрокимёвий хусусиятлари**

Тупроқ қатлами, см	Умумий шакллари,					Ҳаракатчан шакллари, мг/кг				
	%			мг/кг						
	гумус	азот	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	Cu	Mo	N-NO <sub>3</sub>	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O	Cu	Mo
0-30	0,709	0,065	0,080	26,5	6,3	2,16	10,7	352,0	0,68	0,15
30-50	0,665	0,057	0,065	25,0	5,7	1,74	9,1	316,4	0,68	0,03

Шоналаш-гуллаш фазасида миснинг ҳаракатчан шакли миқдори, тупроқнинг ҳайдов ва ҳайдов остиқи қатламида дастлабки миқдорга нисбатан 0,55 мг / кг дан 1,2 мг / кг гача ортган. Миснинг ўзлаштириладиган шаклига ўтиши туфайли назорат вариантларида ҳам мис миқдори ҳам ортган.

Ғўзанинг шоналаш-гуллашни бошланиши босқичида олинган тупроқ намуналарида қўлланилган минерал микроэлементлар билан бойитилган ўғитлар хисобига тупроқда ўсимликлар ўзлаштира оладиган озиқа элементлари миқдори дастлабки ҳолатдагидан ортган ва вариантлар орасида ғам фарқланиш аниқ намоён бўлади.

Ғұза вегетацияси оралиғида-гуллаш-хосил туғиши босқичида ҳамда олинган тупроқ намуналрида құлланилған үғитлар ҳисобига тупроқтардаги үсімликлар үзлаштира оладиган озиқа элементлари міңдори аввалги шоналаш-гуллаш босқичларидан сезиларли орттан. Назорат вариантында нисбатан турли меъёрда P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> - оддий суперфосфат үғити ва оддий суперфосфат үғитига мис ва молибден (Cu өн Mo) микроэлементлари құшилған(Cu-1-2кг/га , Mo- 0,5кг/га құлланилған 3-6 вариантында ҳаракатчан фосфор міңдори 1,1-1,5 марта орттан.

Ғұза үсуви даври охирида тупроқ таркибида мис ва молибден міңдорлари қўйидаги 4-жадвалда акс этган

#### **4-жадвал**

#### **Ғұза үсуви даври охирида тупроқ таркибида мис ва молибден міңдорлари**

№ Вариант	Тажриба варианты	Умумий шакллари,мг/кг				Ҳаракатчан шакллари,мг/кг			
		Мис (Cu)		Молибден (Mo)		Мис (Cu)		Молибден (Mo)	
		Тупроқ қатламлари,см							
		0-30	30-50	0-30	30-50	0-30	30-50	0-30	30-50
1	N200K100 кг/га (Фон)	21,0	20,5	1,1	1,0	1,5	1,3	<0,01	<0,01
2	Фон+P140кг/га(хү жалиқда құлланилған PS- АГРО үғити 100кг/га шудгорда,40кг/га гуллашда)	21,3	21,0	1,2	1,0	1,6	1,5	<0,01	<0,01
3	Фон+P140кг/га(су перфосфат үғити 100кг/га	21,3	21,0	1,3	1,1	1,6	1,5	1,0	< 0,01

	шудгорда,40кг/га гуллашда)								
4	Фон+Р140кг/га(тар кибида мис ва молибден бўлган суперфосфат ўғити 100кг/га шудгорда, 40кг/га шоналашда)	22,0	21,5	3,2	1,2	1,6	1,6	1,3	<0,01
5	Фон+р140кг/га(тар кибида молибден бўлган суперфосфат ўғити 100кг/га шудгорда,40кг/г шоналашда	21,5	20,5	3,0	1,1	1,5	1,5	1,1	< 0,01
6	Фон+Р140кг/га(тар кибида мис ва молибден бўлган суперфосфат ўғити 100кг/га шудгорда,40кг/га гуллашда )	21,5	21,0	3,1	1,2	1,6	1,5	1,2	0,5
7	Фон+Р140кг/га(тар кибида молибден бўлган суперфосфат ўғити 100кг/га шудгорда,40кг/га гуллашда)	21,5	21,0	3,2	1,3	1,5	1,5	1,2	0,5

Таркибида мис ва молибден микроэлементлари бўлган суперфосфат ўғити (Р-140 кг/га) азот ва калий ўғитлари (N-200 К-100 кг/га) билан бирга

қўлланилганда тупроқдаги нитратли азот, ҳаракатчан фосфор, алмашинувчи калий ҳамда мис ва молибденни умумий ва ҳаракатчан турлари микдорларини ўзгаришига таъсири борлиги аниқланди ҳамда ўсимликларни азотли, фосфорли, калийли ҳамда мис ва молибден микроэлементлари билан озиқланиши учун нисбатан мақбул шароит яратилади.

Ғўзанинг ўсиб ривожланиши, қуруқ масса тўплаши ва озиқ элементларини ўзлаштириши учун нисбатан мақбул шароит N-200 K-100 кг/га фонида, таркибида мис ва молибден микроэлементлари бўлган суперфосфат ўғити (P-140 кг/га) 100 кг/га дан шудгорда ва 40 кг/гадан шоналашда ёки гуллашда қўлланилганда яратилиши аниқланди.

Типик бўз тупроқда энг юқори пахта ҳосили ўртача уч йилда (36,6-38,6 ц/га) N-200 K-100 кг/га фонида, таркибида мис ва молибден микроэлементлари бўлган суперфосфат ўғити (P-140 кг/га) 100 кг/га дан шудгорда ва 40 кг/гадан шоналашда ёки гуллашда қўлланилганда бўлиб, назоратга нисбатан қўшимча пахта ҳосили 2,3-4,3 ц/га ни, таркибида мис ва молибден бўлмаган PS-Агро ва суперфосфат ўғити (P-140 кг/га) қўлланилган 2 ва 3 вариантларга нисбатан 0,7-3,1 ц/га ни ташкил этди.

### *Мавзу юзасидан назорат саволлари.*

1. Тупроқ унумдорлиги ва қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини оширишда ноанъянавий ўғитларни қўллашни қандай аҳамияти бор.
2. Янги агротехнология қандай афзалликларга эга.
3. Микроэлементлар билан бойитилган фосфорли ўғити қўлланилганда минерал ўғитларни самарадорлигини неча фоизгача ошириб беради.
4. Микроэлементлар билан бойитилган фосфорли ўғит ғўзани парваришилашда қўлланилганда қайси муддатларда ва қанча меъёрларда қўлланилади.

5. Микроэлементлар билан бойитилган фосфорли ўғит қўлланилганда тупроқ хоссаларига қандай таъсир кўрсатади.

6. Ўзга экинида микроэлементлар билан бойитилган фосфорли ўғит қўлланилганда ҳосил сифатига қандай таъсир кўрсатади ҳамда қандай махсулот олишга эришилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ташкузиев М.М Республика сугориладиган тупроқлари шароитида ноанъанавий ўғитларни қўллаш «Ерлардан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг институционал масалалари» Илмий мақолалар тўплами ЎзМУ, Тошкент 2012. б. 196-200.

2. Саттаров Ж.С., Каримбердиева А.А., Холикназаров Д.Н. Органоминеральные удобрения из отходов. «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» Ж.. №1, 2012й.

3. Каримбердиева А.А., Холикназаров Д.Н., Кузиев Ж.М., Эффективность исследования нетрадиционных удобрений в сельском хозяйстве. В мат. Межд. Научно-практ. Конф: «Инновационные технологии XXI века в сфере науки и образования». Южно-Казахстанског пед.инс-т, Чимкент, 2012г.

4. Каримбердиева А.А., Қўзиев Ж.М., Холиқназаров Д.Н., Султанова Г.Х. Сурхондарё вилояти бўз тупроқлар минтақаси сугориладиган тупроқларнинг марганец ва бўр билан таъминланганлиги. “Ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, тупроқларни унумдорлигини сақлаш, қайта тиклаш ва ошириш йўллари”. Илмий-амалий анжуман мақолалар тўплами. ТАИТДИ, Тошкент, 2012й.

5. Ташкузиев М.М., Беглов Б.М., Намазов Ш.С. Улучшение фосфатного режима и плодородия почвы на основе использования местных сырьевых ресурсов. Сборник материалов Республиканской научно технической конференции ИОНХ АН РУз, Ташкент 2013, с. 218-228

**6.** Ташкузиев М.М., Намазов Ш.С., Жуманова М.О. Перспективы применения органоминеральных и новых комплексных фосфорных удобрений на хлопчатнике и озимой пшенице. Сборник материалов Республиканской научно технической конференции ИОНХ АН РУз, Ташкент 2013, с. 228-231

**7.** М.М. Ташкузиев, Ш.С. Намазов, Волынскова Н.В. Изучение превращения в различных почвенных условиях новых азотно-фосфорных удобрений. Сборник материалов Республиканской научно технической конференции ИОНХ АН РУз, Ташкент 2013, с. 231-236

**8.** М.М. Ташкузиев, А.А. Каримбердиева, Д.А. Тунгушова, Ж.М. Реймбаев Химический состав различных видов нетрадиционного минерального сырья и отходов производства как источников микроэлементов почвы. “Ўзбекистон тупроқларининг унумдорлик ҳолати, муҳофазаси ва улардан самарали фойдаланиш масалалари” мавзисидаги илмий - амалий конференцияси, 6-7 ноябр 2013 йил Тошкент, ТошДАУ.

**9.** А.А.Каримбердиева, М.М.Ташкузиев, Д.Тунгушова, Д.Холикназаров, Т. Бердиев Динамика доступных форм микроэлементов в такырно-луговых почвах при внесении углеотходов. “Тупроқ унумдорлиги ва қишлоқ ҳўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини оширишнинг долзарб масалалари”. Илмий-амалий анжуман мақолалар тўплами. ТАИТДИ, Тошкент, 2014й, в печати.

**10.** Ташкузиев М.М., Бердиев Т.Т., Халкузиева М.А. Влияние агроруд, применяемых в качестве удобрений, на макроэлементный состав почв. “Тупроқ унумдорлиги ва қишлоқ ҳўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини оширишнинг долзарб масалалари”. Илмий-амалий анжуман мақолалар тўплами. ТАИТДИ, Тошкент, 2014й, в печати.

**З-МАВЗУ: АГРОКИМЁВИЙ КАРТАЛАРНИ ТУЗИШ ВА ГАТ  
(ГЕОАХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ)ДАН ФОЙДАЛАНИШ  
РЕЖА:**

1. Агрокимёвий карталар тузиш технологиялари.
2. ГАТ (геоахборот тизимлари)дан фойдаланган агрокимёвий карталар тузиш.
3. Географик ахборот тизимларининг (ГАТ) табиий ресурсларни ўрганишдаги аҳамияти

**Таянч иборалар:** агрокимёвий хариталар, ўғитлар билан таъминланганлиги, географик ахборот тизимлари, ГАТ асосида яратилган агрохимхаританомалар, мониторинг қилиши

Картанома бу ҳар бир худудий бирлик чегарасидаги қандайдир бир ҳодисанинг интсенсивлигини (ҳар хил тўйинганлик даражасини) штриҳ ёки ранглар ёрдамида кўрсатувчи картадир.

Тупроқларни муфассал равишда агрокимёвий текшириш, ҳайдалма қатламдан аралашган тупроқ намунасини олиш, уларни бир қатор агрокимёвий кўрсаткичларни аниқлаш учун анализ қилиш ва олинган натижалар асосида агрокимёвий картаномалар тузишни ўз ичига олади.

Агрокимёвий картанома- хўжаликнинг ердан фойдаланиш картаси бўлиб, унда тупроқларнинг алоҳида озиқ элементлар бўйича таъминланганлик даражаси шартли белгилар тарзида ифода этилган бўлади.

Агрокимёвий карта- бу тупроқнинг озиқ элементлар билан таъминланганлигини ёки унинг нордонлик, ишқорийлик, шўртоблик, шўрхоқлик, шўрланганлик даражасини ва оҳак, гипсга бўлган талабини кўрсатувчи карта.

Ҳозирги пайтда ҳосилдорликни ошириш жуда муҳим ҳисобланади. Чунки ер майдони чегараланган. Аҳоли сони эса тез ўсмоқда. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалигини ривожлантириш асосий масалалардандир. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масалаларидан бири бу қишлоқ хўжалигини кимёлаштириш, шу жумладан ўғитларни оқилона қўллаш ҳисобланади.

Кишлоқ хўжалигини кимёлаштириш билан боғлиқ бўлган масалаларини тўғри хал этиш учун тупроқнинг агрокимёвий хоссаларини ўрганиш зарур.

Тупроқларни агрокимёвий текшириш ва картографиялаш ишлари аввало, органик ва минерал ўғитлардан тўғри фойдаланиш имконини беради. Тупроқлар олдиндан агрокимёвий жиҳатдан текшириб кўрилмаса, ўғитлардан фойдаланишда, албатта хатога йўл қўйилади, эҳтиёж бўлмаган жойга ортиқча миқдорда солинади ёки аксинча. Озиқланиш режимини яхшилаш ниҳоятда зарур бўлган майдонларга етарли миқдорда солинмайди.

Дунё олимларининг кўпчилк қузатишлари тупроқдаги асосий озиқ моддаларнинг миқдори билан ўсимликларнинг ўғитларини қўллашга бўлган талаби ўртасида алоқа борлиги кўрсатди.

Агар тупроқ, ҳаракатчан фосфорга бой бўлса, фосфорли ўғитларни қўллаш юқори қўшимча ҳосил олишга имкон бермайди. Шу билан бирга ҳаракатчан фосфори кам бўлган тупроқларда фосфорли ўғитларни қўллаш ҳосилни анча оширади. Шундай қилиб тупроқни ҳаракатчан озиқ элементлар билан таъминланганлик даражасини била туриб қишлоқ хўжалик экинларининг ўғитларга бўлган талибини аниқлаш мумкин. Шунинг учун ҳам тупроқни агрокимёвий текшириш ва картографиялашдан мақсад - ушбу тупроқларнинг озиқ элементлари билан таъминланганлик даражасини ўрганиш ҳамда юқори ҳосил олишга ўғитлар ва кимёвий мелиорантлардан самарали фойдаланши учун зарур бўлган агрокимёвий картаномаларни тузишидир.

Ўғитларнииг ҳосилга бўлган ижобий таъсири айниқса улардаги озиқ элементларнинг оптималь нисбатида энг юқори бўлади. Озиқ элементлар нисбатнинг бузилиши ўғитлар самарадорлигини пасайишига олиб келади. Мисол учун кам маданийлашган тупроқларда фосфорли ўғитларсиз азотли ўғитларни бир томонлама қўллаш фойдасиз ҳисобланади.

Ўғитлардаги озиқ элементлар нисбатини ёки қўлланилаётган ўғитлар ( $N:P:K$ ) нисбатини асосли ёки тўғри эканлигини тупроқдаги озиқ элементлар

микдори маълум бўлганда билиш мумкин. Бу мақсадда тупроқда катта масштабли картографиялаш ўтказилади. Унинг бир қисми бўлиб агрокимёвий картаномалар тузиш ҳисобланади. Тупроқ унумдорлигини баҳолаш учун муҳим ҳисобланган унинг асосий морфологик ва генетик хоссалари тупроқ картасида тасвирланади. Бу тупроқ авлоди, тури, типи, типчаси, механик таркиби, чиринди қатламининг қалинлиги ва унинг микдори, маданийлаштирилганлик ва эрозияланганлик даражаси тўғрисида хулоса чиқаришга имкон беради.

Республикамиздаги илмий-тадқиқот муассасалари томонидан ўтказилган дала тажрибалари натижаларини умумлаштириш асосида турли экинлар учун умумлаштирилган ўғит меъёрлари ишлаб чиқилган (5-жадвал).

## **5-Жадвал**

**Сабзавот, полиз экинлари ва картошка учун тавсия этиладиган минерал ўғит меъёрлари. (Республика қишлоқ хўжалиги вазирлиги, 2018 й.)**

Экин тури	Ҳосил, ц/га	Бўз тупропклар			Ўтлоқи ва ўтлоқи ботқоқ тупропклар		
		азот	фосфор	калий	азот	фосфор	калий
<b>Картошка</b>	120-150	120-150	100	60	100-120	120-150	60-80
<b>Помидор</b>	280-300	180-200	140-150	90-100	140-180	140-150	100
<b>Карам</b>	250-300	150-200	100-150	75-100	120-150	120-150	80-100
<b>Пиёз</b>	200-220	200	150	75	160	160	80
<b>Бодринг</b>	200-250	150-200	100-150	50-75	120-150	120-150	60-75
<b>Сабзи</b>	150-200	120-150	80-100	40-50	80-100	100-120	50-60
<b>Полиз экинлари</b>	250-300	100-150	100-150	50	80-100	100-120	50-60

Кузги шудгор олдидан фосфорли ўғитларни йиллик меъерини 70 фоизи (соф холда 100кг/га , физик тукда аммофос- 217кг/га; ёки супрефос-430 кг/га; нитрафос -620 кг/га; оддий суперфосфат – 710 кг/га) солинади.

Калий ўғитининг 50 фоизи (50 кг/га соф ҳолда, физик тукда калий хлорид – 80 кг/га) солинади; Гўнг эса гектарига 20-30 тонна ёки компост 30 тонна солиниши керак. Агарда шўрланмаган тупроқларда фосфорли ва калийли ўғитлар кузги шудгор олдидан солинмаган бўлса, эрта баҳорда бароналаш олдидан чизел культиваторлар (ЧКУ-4) ёки маҳсус мосламалар ёрдамида 15-17 см чуқурликга солиниши керак, шу жумладан шўрланган тупроқларда ҳам.

Ўғитларнинг йиллик меъёрлари ва озиқлантиришда бериладиган ўғитлар миқдори соф модда ҳисобида кўрсатилган бўлса, керакли ўғит миқдорини физик тукда ҳисоблаб чиқариш учун ҳар қайси муддатда бериш учун керак бўлган озиқ элементи миқдорини тегишли ўғитнинг коэффицентига кўпайтирилади (6-жадвал).

Масалан: 100 кг/га соф ҳолда азот солиниши керак бўлса, аммиакли селитра ишлатилса,  $100 \text{ кг} \times 2,94$  (физик тукга ўтказиш коэффициенти) = 294 кг/га солинади.

## 6-жадвал

### Озиқ моддалар меъёрларини физик тукларга ўтказиш учун коэффицентлар

Ўғит турлари	Модда миқдори	Коэффицент
Аммиакли селитра	(34 % N)	2,94
Карбамид	(46 % N)	2,17
Сульфат аммоний	(20,5 % N)	4,88
Аммиакли сув	(16,4-20,5 % N)	6,09-4,88
Аммофос	(11-12% N, 46% P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> )	2,17
Оддий суперфосфат	(11-14 % P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> )	9,09-7,14
Азот фосфорли ўғит (УФАУ)	(10% N, 10 % P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> )	10
НКФУ	( 6% N ,14-16% P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> )	6,2-7,1

Супрефос	(10% N , 22-23 % P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> )	4,3-4,5
Калий хлориди	(60 % K <sub>2</sub> O)	1,66

Географик ахборот тизимлари (ГАТ, кейинчалик умумий қабул қилинган атамаси - ГАТ ишлатилади) XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб ривожлана бошлаган, лекин бу тизимнинг кенг ривожланиши 90-йилларга тўғри келади. Бунга сабаб шу кейинги 20 йил ичида компьютер технологиясининг анча ривожланиши бўлди. Карталар яратишнинг "Қоғозли" деб аталган одатдаги технологияси билан бир қаторда географик ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда карталар яратишнинг компьютерли технологияси жадал суръатлар билан ривожланмоқда.

Оддий қилиб айтганда, ГАТга табиат ва жамият обьектлари ва ҳодисалари ҳақидаги топографик, геодезик, эр, сув ресурслари ва бошқа картографик ахборотни йиғиш, уларга ишлов бериш, ЭҲМ хотирасида сақлаш, янгилаш, тахлил қилиш, яна қайта ишлашни таъминловчи автоматлаштирилган аппаратлашган дастурли комплекс, деб таъриф берса бўлади.

Барча ГАТларда маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, хотирада сақлаш, янгилаш, тахлил қилиш ва маълумотларни компьютерда ёки этарли даражада тасвир хусусиятини қайта ишлай оладиган маҳсус дастурда техник воситалар орқали ушбу жараёнларни бажариш усувлари эътиборга олинган. Демак, ГАТ - турли усувлар билан тўпланган табиий тармоқлар ҳақидаги кенг мазмунли маълумотлар базасига таянган мукаммал ривожланган тизим ҳисобланади. Ҳозирги пайтда фойдаланиш соҳаларининг кенглиги жихатидан ГАТнинг тенги йўқ - у навигастия, транспорт, қурилиш, геология, ҳарбий ишлар, иқтисодиёт, экология ва бошқа соҳаларда кенг кўлланилмоқда. Географик ахборот тизимлари эр тузишда, турли тизим кадастрларида, картографияда ва геодезияда кенг кўлланилмоқда, чунки катта ҳажмдаги статистик, фазовий, матнли, графикли ва бошқа

кўринишдаги маълумотларни қайта ишлаш ва уларни тасвирлашни ГАТ тизимисиз мумкин эмас.

Бугунги кунда илмий тадқиқотлар ва амалий фаолиятда қўплаб ГАТлар ишлатилади, лекин улар орасида шахсий ГАТлар кенг тарқалган. Жумладан, уларга GeoDraw, GeoGraph (Россия География институти), АтласГис, Вингис, ApcInfo, MapInfo (АҚШ), Argic, ArsView, Global Mapper ва бошқа дастурларни мисол келтириш мумкин.

Умуман олганда карталар яратишнинг ГАТ-технологиясини қўйидагича тасаввур қиласа бўлади:

1. Тайёргарлик ишлари. Электрон тахеометрлар ва GPS асбобларидан, тасвирларни қайта ишлаш воситаларидан, изланишлар рақамли маълумотларидан, авторлик оригиналлардан, мавжуд фонд карталари ва бошқалардан дастлабки маълумотларни тўплаш. Картографик ва фонд материалларини, растрли тасвирларни бир хил масштабга келтириш, сўнгра уларни компьютер хотирасига жойлаш.

2. Яратилаётган картанинг мавзули қатламларини, уларга тегишли жадвалларни ишлаб чиқиш ва уларни тахлил қилиш. Маълумотлар базасини яратиш. Объектлар таснифи мавжуд жадваллар (атрибулар) ва матн маълумотларни ЭҲМ хотирасига киритиш. Шартли белгилар тизимини ишлаб чиқиш.

3. Картанинг мавзули қатламларини мувофиқлаш, картографик тасвирни ҳосил қилиш ва уларни тахрир қилиш. Картанинг компоновкасини ишлаб чиқиш ва уни нашрга тайёрлаш. Картани нашр қилиш.

### **Технологияда қўйидагилар кўзда тутилган:**

- ✓ Ҳар бир дала участкаларидан маълумотларни йиғиш
- ✓ Жойнинг рельефи, агрофизикавий, физико-кимёвий ва бошқа ҳоссаларини, даланинг озиқа элементлари билан таъминланиши бўйича электрон картасини яратиш;
- ✓ Ҳосилдорликнинг бўйича олинган маълумотлар мониторинги ва ҳосилдорлик картасини қайта ишлаш;

- ✓ Дифференцияланган материалларни қўллаш учун карта тузиш;
- ✓ Сарфланган материалларни назорат қилиш.

## **ГАТ тизимининг имкониятлари**

### **Бошқарувчилар учун:**

- хўжалик ишларини масофавий назорат қиласди,
- тезкорлик билан хисобот ва маълумотларни йифиши,
- тадбиқ қилинган самарали анализ маълумотлари.

### **Тупроқшунослар учун:**

- дала ҳосилдорлиги, экин майдони, экилаётган эктин миқдори тарихини олиб бориш ва бошқалар.,
- дала шароитига қараб ўғит миқдорини тарқатишни режалаштириш ,
- истиқболли таклифлар бўйича амалий ишларни олиб бориш,
- ишни олиб борища табиий омиллар яъни, жойнинг рельефи ва бошқа омилларга эътиборга олиш,
- мониторинг ёрдамида дала сифати ни баҳолаш ишларини амалга ошириш

### **Бош инженерлар учун:**

- тезлик билан дала майдонларида жойлашган техникаларни аниқлаш,
- механизатор ва хайдовчилар билан овоз орқали боғланиш,
- техника ёқилғи махсулотларини тежаш буйича масофавий назорат олиб бориш .

### **Бош иктисадчилар учун:**

- ишларни автоматик режалаштириш,
- ишларни автоматлаштириш ва хатоликларни бартараф этиш,
- хисобот ва маълумотларни автоматик равища шакллантириш,
- пежалаштирилган ва аниқ маълумотларни таққослаш ва қиёслаш ишларини олиб бориш.

### **ГАТни қўллаётган соҳа ва тармоқлар сифатида қўйидагиларни келтириш мумкин:**

1. Ер ресурсларини бошқариш, ер кадастрида.


2. Ишлаб чиқариш инфратизими, уларни бошқариш ва объектлар инвентаризациясида.
3. Шаҳар қурилишида, архитектура, саноат ва транспорт қурилишини лойиҳалашда, мухандислик изланишларида ва режалаштиришда.
4. Исталған соҳа бўйича мавзули карталаштиришда, атласлар ва мавзули карталарни тузишда.
5. Денгиз картографияси ва навигациясида.
6. Аэронавигацион карталаштиришда ва ҳаво кемалари ҳаракатини бошқаришда.
7. Сув ресурсларини бошқариш ва сув кадастрида; сув объектларининг инвентаризацияси ва сувнинг мавсумий ва йиллик ҳолатлари ҳамда башоратлашда.
8. Навигация ва ер транспорти ҳаракатини бошқаришда.
9. Масофадан туриб зондлаш ва космик мониторингда.
10. Табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни бошқаришда (сув, ўрмон хўжалиги ва бошқаларда).
11. Жой рельефини тасвирлаш ва тахлил қилишда.
12. Табиий муҳитдаги жараёнларни моделлаштириш, табиатни муҳофаза қилиш тадбирларни олиб боишда.
13. Атроф муҳит мониторингда, техноген оқибатларни баҳолашда, фавқулодда ва кризисли вазиятларни ҳал этишда.
14. Экологик муаммоларни белгилаб, долзарблигини баҳолашда ва уларни бартараф этиш чораларини ишлаб чиқишида.
15. Юк ташишни режалаштириш ва тадбиркорликда.
16. Геология, минерал-хом ашё ресурслари ва тоғ жинсларини қазиб олиш саноатларида.
17. Транспорт ва телекоммуникация тармоқларини мақсадли ривожлантиришда.
18. Маркетинг ва бозор иқтисодиётини тахлил қилишда.
19. Археологияда.

20. Худудлар ва шаҳарларнинг ривожланишини комплекс бошқариш ва режалаштиришда.
21. Ҳавфсизлик, ҳарбий иш ва разведкада.
22. Ўрта, махсус ва олий таълимда.
23. Қишлоқ хўжалигига ва бошқа соҳаларда.

### **ГАТ технологиялари билан ишлашнинг этаплари**



### **Технология ажратилади**



Ҳосилдорлик, агрокимёвий ва агрофизикавий картограммалар, даланинг фитосанитар ҳолати, ўсимликларнинг финологик кузатувлари ва бошқа кўрсаткичлари

+  
Базавий маълумотлар  
Картани тадбик қилиш  
Операцияларни бажариш

#### **On-line**

Сенсорлардан фойдалани  
+  
Базавий маълумотлар  
Операцияни бажариш  
базавий маълумотларни тўлдириш

### **GPS ўзи нима?**

- ✓ Технологик операцияларни географик боғлаш.



- ✓ Агрегатнинг максимал ҳолатидан фойдаланиш
- ✓ Ён қаторлараро хатоликларнинг түғриланиши
- ✓ Техниканинг юклама коэффициентининг ошиши (тун вақтида фойдаланиш)
- ✓ Ноқулай шароитларда фойдаланишни таъминлаш (чанг, тузон ва туман)
- ✓ Хайдовчининг иш шароитини яхшилайди ва чарчоқни олдини олади.
- ✓ Хар бир далада географик координатларни аниқлик билан аниқлайди






### **Агрокимёвий изланишлар олиб бориш**

- Мобил мажмua:
- Двигитель харакатлантиргич
- Автоматик йиғувчи
- GPS спутник тизими
- Бортли компьютер

Қўлда йиғувчи:

- Қўлда йиғиши
- GPS-қабул қилувчи асбоб
- Таъминловчи программа

## Агрокимёвий изланишлар олиб бориш



### Кўп қаватли карталар (ГАТ)

Алмашлаб экиш картаси

Хосилдорлик картаси

Тупроқларни текшириш


Карталарни тадбиқ этиш

Режалаштириш жараёни карталари

Натижаларга статик ва математик ишлов бериш учун


Харакатдаги объектлар мониторинги учун

## ТУПРОК НАМУНАЛАРИНИ ОЛИШ



**ГЕОМИР**  
инженерный центр

### Фермер хўжалигининг 1:5000 миқёсдаги тупроқ-бонитировка картаси




**Географик ахборот тизимларининг (ГАТ) табиий ресурсларни ўрганишдаги аҳамияти.** Ҳозирги вақтда план ва карталарни яратиш икки усулда олиб борилади: эрда геодезик ишларни олиб бориш бўйича ва

жойнинг масофадан туриб олинган расмини дешифровка қилиш (ўқиш) натижасида. Бундай расмлар эрнинг турли сунъий йўлдошларидан, яъни космик кемалар, самолётлар ва вертолётлардан олинган ярим тоналли (ранглига ўхшаш) ёки оқ-қора космик ва аэрофотосуратли тасвиirlаридан иборат.

Охирги икки тизим мазкур қўлланманинг кейинги бобларида батафсил кўриб чиқилади, бу ерда эса фотограмметрик тизим таркибига кирувчи алоҳида жараёнлар тўғрисида қисқача тўхталамиз. Буларга:

1. Жойни аэро- ва космик суратга олиш.
  2. Таянч нуқталарни планли ва баландликли боғлаш бўйича олиб бориладиган геодезик ишлар.
  3. Маълумотларга фотограмметрик ишлов бериш жараёнлари киради.
1. Эр юзасининг аэро- ва космик фотосуратлари аэрофотоаппаратлар ёрдамида олинади, сўнгра негативлардан контактли ёки проекстион усувлар билан қоғоз ёки деформастияланмайдиган плёнкаларда диапозитивли фотонушалар тайёрланади. Кейинги йилларда суратга олишда рақамли аэрофотокамералардан фойдаланилмоқда (1-2-расм).



### **Ер шари атрофида ҳаракатланаётган сунъий йўлдошлар**

Улар ёрдамида худуднинг ёки бирор жойнинг рақамли тасвирини олиш ва кейинчалик уни тўғридан-тўғри компьютерга киритиш мумкинлиги нафақат расмларга кимёвий ишлов бериш, ҳатто сканирлаш босқичида

тасвирни рақамли шаклга ўтказиш жараёнлари четлаб ўтилмоқда. Улар оддий фотокамералар каби ишлайди, лекин уларда фототасвирни электр сигналларга айлантирвчи фотосезгир элементлар ишлатилади (23- расм).

Сигналлар кодлангач, улар фотокамера хотирасида сақлаб қолинади ва исталган пайтда тасвирлар компьютерга ёзиб олиниши мумкин. Кейинчалик фототасвирларга маҳсус графики редакторлар ёрдамида ишлов берилиб, улар принтер ёки плоттерларда нашр қилинишга узатилади. Агар ишга сифатли фотокамералар жалб қилинса, сканерлар ва нусха кўчириш курилмаларидан воз кечса ҳам бўлади.

Ҳозирги пайтда фототасвирларни компьютер хотирасига киритиш, асосан, фотоматериалларни сканерлаш билан амалга оширилмоқди. Фотоматериаллар сифатида негативлар, диапозитивлар ва рулонли аэрофильмлар ишлатилмоқда.

Бугунги кунда компьютер саводхонлиги омма орасида анча ошган. ГАТда тузилган карта оддий қоғозли картадан яхши безалгани, компьютерли шаклдалиги, қўлда бажариб бўлмас даражадаги аниқлиги ва бошқа бир қатор афзалликлари билан фарқ қиласи. Картага истаганча ўзгартериш киритиш, янги мазмун ва бўёқ бериш, диаграмма ва бошқа маълумотларни киритиш, ўчириш ва ҳ.к. ишларни бажарса бўлади. Бунинг учун мваллифнинг шахсан ўзи карта тузишнинг компьютерли технологиялари билан мукаммалроқ танишиши ва улар асосида карта тузиб кўриши керак.

Карта яратишнинг бу технологияси бугунги кунда, биринчидан - сезиларли даражада универсаллашган, иккинчидан - жуда тез ривожланаётган, инсон фаолиятининг ҳамма соҳаларини қамраб олаётган жараёндир. Географик ахборот тизимлари соҳасида асосий билимларни берувчи рус ва чет мамлакатлар ҳалқлари тилларидағи китобларда ва ГАТнинг турли соҳаларига оид бўлган монографиялар ва конференстия материаллари орқали тадқиқотчилар ГАТ тизимиға ҳам назорат ва ҳам амалий янгиликлар кундан-кунга кўплаб киритмоқдалар.

ГАТ билан ишләётганды компьютер экранында бир ёки бир нечта картани (ёки план-схемани) күриш мумкин. Иш жараённан тасвирнинг деталлашганлик даражасини осон ўзгартириш, айрим элементларини кичиклаштириш ёки катталаштириш мумкин. Масалан, шаҳарда бирор бир уйни, унинг подъездини, атрофидаги объектларни күришимиз мумкин.

Бундан ташқари, Сиз маълумотларнинг мавзули таркиби бўйича бошқариш ишларини ҳам олиб боришингиз мумкин, масалан, фойдали қазилмалар картасида иш пайтида керакли бўлмаган баъзи фойдали қазилмалар тасвирланган карталарни ёпиб қўйиш; зарур бўлган қатламларни эса кўрсатиш мумкин.

Бирор объектни белгилаб у ҳақида маълумот олиш мумкин: масалан, бинонинг нархини, кимга қарашли эканини, ҳолатини, объектнинг ўлчамини, унинг шаҳар асосий муҳандислик тармоқларига уланганлигини ва ҳ.к. Бу кўрсаткичларни компьютер мониторида бевосита ўлчаш ҳам мумкин.

ГАТда маҳсус қидирав тизими ҳам мавжуд. Талабингизга биноан сизни қизиқтирган объектлар кўрсаткичлари ҳақида талаб шартлари тузилади ва автоматик равишда талабингизга жавоб қайтарилади. Масалан, майдоннинг 0,1 га дан кам бўлмаган ва темир йўл бекатидан 3 км узоқда жойлашган барча сув ҳавзалари, 1 км дан ошмаган масофада жойлашган эр участкалари экранда кўрсатилсин ва ҳ.к.

Маҳсус воситалар орқали маълумотларни аналитик қайта ишлаб, жуда қийин масалаларни ҳам эчиш мумкин, яъни реал борлиқнинг моделини ҳосил қилиш. Масалан, сув ва бошқа қувурлар трассасида рўй берадиган портлашларни кутилиши мумкин бўлган кунгилсиз ҳолатларни башорат қилиш; ифлосланишнинг тарқалиш йўналишини тадқиқ қилиб, табиий муҳитга этказиладиган оғатни хисоблаш, натижада унга қараб режаларни белгилаш мумкин.

**Карта тузиш ишлари босқичлари ва технологик жараёнлар.**  
Карталар яратиш технологиясининг анъанавий қоғозли усули билан бир

қаторда кейинги 10-15 йил ичида компьютерли - географик ахборот тизимларидан фойдаланган технологияси ривожланиб келмоқда.

Карталар яратишнинг ГАТ-технологиясини энг кўп тассавур этиладиган умумий шакллари қўйидаги кўринишдадир:

1. Дастребки материалларни тайёрлаш ва маълумотларни компьютер хотирасига киритиш:

- а) электрон тахеометрлар тўпловчиларидан;
- б) GPS приёмникларидан;
- в) тасвирларни қайта ишлаш тизими орқали;
- г) тадқиқот материаллари, муаллиф ёки карта тузувчиларнинг оригиналлари, шунингдек мавжуд картографик материаллардан;
- д) дастребки материалларни сканирлаш ва олинган растрли тасвирини бир хил ўлчов бирлигига келтиришлардан иборат.

2. Яратиладиган карта қатламлари ва уларга тегишли жадвалларни тузиш ва таҳрир қилиш ҳамда маълумотлар базасини тузиш.

3. Объектнинг таснифли, жадвалли ва матнли маълумотларини киритиш.


- 4. Карта учун тасвираш усулларини танлаш.
- 5. Қатламларни устма-уст жойлаш, картанинг мавзули мазмунини ишлаб чиқиш ва таҳрир қилиш.
- 6. Картанинг компоновкасини ишлаб чиқиб, унинг нашрли нушасини ҳосил қилиш.
- 7. Картани нашр қилиш.

Маълумки, ҳозирги кунда картографияда 11 та тасвираш усуллари мавжуд:

- Белгилар усули;  Нуқталар усули;  Изолиниялар усули;  Ареаллар усули;  Сифатли ранг усули;  Микдорли ранг усули;  Картограммалар усули;  Картодиаграмма усули;  Бир жойга тегишли диаграммалар усули;  Ҳаракатдаги белгилар усули;  Чизиқли белгилар усули;

Бу жараёнда рақамли карта қаноатлантириши керак бўлган умумий талабларни санаб чиқамиз:

- рақамли картада бир хил идентификаторли обьектлар бўлмаслиги керак;
- контурлар, контурли элементлар ва метрик маълумотлар тўплами бир хил идентификаторли бўлиши умуман мумкин эмас;
- барча маълумотлар рақамли картанинг бошқа компонентлари билан боғлиқ бўлиши керак;
- янги киритилган тузатмалар қабул қилинган моделга зид бўлмаслиги керак. Масалан, МГЕ рақамли карта учун барча графикли обьектларга берилган тузатма обьектлар жадвалида келтирилган бўлиши лозим. Агар обьект тавсифга эга бўлса, графикли обьект атрибутлари шу жадвалда ёзилган бўлиши керак. Бошқа томондан атрибутлар жадвалидаги мвайян ёзув факат биртагина графикли обьект билан боғланган бўлиши лозим.



### ***Мавзу юзасидан назорат саволлари.***

1. АгроХимкартограммалар нима улар қандай мақсадда тузилади?
1. ГАТ технологиялари асосида агроХимкартограммалар тузишда қандай ишлар олиб борилади?
2. ГАТ нима ва унинг функциялари нималардан иборат?
3. Географик ахборот тизимлари (ГАТ) қандай дастурлари бор?

4. Географик ахборот тизимлари (ГАТ)нинг вазифалари нималардан иборат?

5. Мониторинг қилиш деганда нимани тушунасиз?

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Джалилова Г.Т. Выявление и оценка эрозионноопасных земель бассейна Сукоксай с применением ГИС технологии. Автореф. дисс. ...канд. биол. наук.-Т.: 2009.-30 с.
2. Джалилова Г.Т. Ўзбекистон ўрта ва паст тоғларидағи эрозия жараёнларини геоахборот таҳлили (Чотқол ва Туркистон тоғлари тупроқлари мисолида). Автореф. дисс. ... биол. фан. докт. - Т.: 2018. – 52 с.
3. Дитц Л.Ю. Применение ГИС-технологий при разработке методов оптимизации землеиспользования //Почвы национальное достояние России. Материалы IV съезда Докучаевского общества почвоведов. Новосибирск 2004. - С. 288.
4. Козлов Д.Н., Конюшкова М.В. Современное состояние и перспективы развития цифровой почвенной картографии // Почвоведение. 2009. -№ 6. - С. 750-753.
5. Савин И.Ю. Географические информационные системы мониторинга почвенных ресурсов // В сб.: «Почвоведение: аспекты, проблемы, решения». М., 2003,- С.206-228.
6. Савин И.Ю. Компьютерная имитация картографирования почв // В сб.: Цифровая почвенная картография: теоретические и экспериментальные исследования. М., 2012.-С.26-35.
7. Сафаров Э.Ю., Абдурахимов Х.А. География дарсларида географик информацион системаларидан фойдаланиш // География таълим ва услубининг долзарб муаммолари. Республика илмий-услубий анжумани. – Қўқон, 2008, 27-28 марта. Б. 28-30.
8. Трифонов Г.А., Мищенко Н.В. Использование данных дистанционного

зондированияния для оценки состояния почвенного и растительного покрова бассейнов малых рек // Материалы V съезда Докучаевского общества почвоведов им. В.В.Докучаева// Ростов – на-Дону 2008, - С. 230.

9. <http://www.priroda.gov>
10. [http://trifon-m2@vpti.vladimir.su](mailto:trifon-m2@vpti.vladimir.su)

#### **4-МАВЗУ: ҒҮЗАНИ БАРГДАН ОЗИҚЛАНТИРИШДА МИНЕРАЛ ҮҒИТЛАРДАН ТАЙЁРЛАНГАН СУСПЕНЗИЯЛАРНИ ВА ҮСИШНИ СОЗЛОВЧИ МОДДАЛАРНИ ҚҮЛЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

##### **РЕЖА:**

- 4.1. Минерал үғитлардан тайёрланган суспензиялар ва үсишни мувофиқлаштирувчи модда турлари.
- 4.2. Ғүзани баргдан озиқлантиришда минерал үғитлардан тайёрланган суспензия турлари.
- 4.3. Ғүзани баргини үсишни мувофиқлаштирувчи моддаларни қўллаш технологияси.

**Таянч иборалар:** суспензия, баргдан озиқлантириши, үсишини созловчи моддалар, гумимакс, узгуми, фитовак, суюқ азот кальций ўғити, карбамид-аммиакли селитра

Минерал үғитлардан фойдаланишда мақбул меъёrlарни қулай муддат ва усулларда қўллаш ҳамда уларни органик үғитлар билан тўғри нисбатларда ишлатиш тупроқ унумдорлигини оширибгина қолмай, ғўза ва издош экинларнинг ҳосилдорлигини ҳам оширади ва унинг сифатини яхшилайди.

Ғүзани ўсув даврида үғитлашдан мақсад, уни озиқ моддалар билан етарли даражада таъминлашдир. Бунда солинган үғитни максимал даражада ўсимлик томонидан ўзлаштирилиши муҳим омил ҳисобланади.

Қўлланилган ўғитдан ўсимликни яхши фойдаланиши учун озиқ моддалар илдизни ўсиш қатламига солиниши ҳамда ўсимликни барги орқали озиқлантириш керак.

### **Ғўзани баргдан озиқлантириш**

Ғўза ниҳолларининг яхши ўсиши, ривожланиши, юқори ва сифатли ҳосил бериши учун уларни қўшимча равишда баргдан озиқлантириш (минерал ўғитлар суспензиясини қўллаш) яхши самара беради.

Бунда ўсимлик озиқа моддаларни барг ва поялари орқали ўзлаштиради. Барг сатҳига тушган суспензия натижасида барглар қалинлашиб, ундаги хлорофиллар микдори қўпаяди, фотосинтез жараёни жадаллашади, натижада сўрувчи ҳашаротларга бардошлиги ортади.

Ҳосилнинг пишиб етилиши тезлашади ва ҳосилдорлик ошади. Барг орқали озиқлантирилган майдонлардаги ғўзанинг ривожланиши суспензия сепилмаган майдонларга нисбатан 3-5 кунга тезлашади.

### **Суспензияни қўллаш муддати ва ишлатиш меъёрлари**

Биринчи суспензия ғўза 2-3 чинбарг чиқарганда карбомид 5 кг/га ёки суюқ азот кальций ўғити (САКЎ)-5 л/га ёки Максам-Чирчиқда ишлаб чиқарилаётган КАС (карбамид-аммиакли селитра) ўғитидан 5 л/га қўлланилади;

-Иккинчи суспензия ғўза шоналаш даврда карбомид - 8 кг/га ёки САКЎ-10 л/га ёки КАС ўғитидан 7 л/га меъёрда қўлланилади;

-Учинчи суспензия ғўза ривожи орқада қолган майдонларда (гуллаш даври бошида) карбомид – 10 кг/га ёки САКЎ-15л/га ёки КАСни 9 л/га қўлланилади.

Суспензия сепишда ҳар гектарига 300 литрдан кам суюқлик сарфланишига йўл қўймаслик зарур. Суспензия сепиш ишларини осма штангали ҳамда ОВХ русумли пуркагичлар ва қўл аппаратлари билан амалга оширилади.

Суспензия билан ишлов беришда Фитовак (200-300 мл/га), Гумимакс 0,15-0,20 л/га, Узгуми 0,3-0,4 л/га ва бошқа шунга ўхшаш стимуляторларни кўшиб ишлатилса, ғўзанинг ўсиши ва ривожланишига ижобий таъсири янада ортади.

Суспензияни эрталаб ва кечқурун ҳаво ҳарорати 20-25 С дан ошмаган пайтда сепиш тавсия қилинади. Ҳаво илиқ ва булатли кунларда суспензияни кун давомида сепиш мумкин. Чунки, эрталаб ва кечқурунги ҳаво мўътадил пайтида барг оғизчалари (устицалар) тўлиқ очилган бўлади ва сепилган препаратлар яхши сўрилиб, баргда фотосинтез кечиши натижасида қайта тақсимланади, органик моддага айланиб, ўзлаштирилади. Ёмғир ёғаётган пайтда суспензия сепиш тавсия қилинмайди, чунки, озиқа моддалари ювилиб, ўғитларнинг самараси пасайиб кетади.

### **Чигитга стимуляторлар билан ишлов беришнинг аҳамияти**

- ✓ Чигитнинг дала унувчанлиги 10-15% га ортиб, 2-3 кун эрта униб чиқади.
- ✓ Нихолларнинг илдиз чириш, гоммоз ва вилт касалликларига бардошлилиги ошади.
- ✓ Илдиз тизими бақувват ривожланиши натижасида курғоқ-чилик шароитида ҳам ўсимликнинг мақбул ўсиши ва ривожланиши таъминланади.
- ✓ Фотосинтез маҳсулдорлиги ортиб, моддалар алмашинуви яхшиланади, ҳосил элементлари сони ва вазни ортади.
- ✓ Ташқи стресс омиллар таъсирида гормонлар ҳаракатининг ўзгариши биологик фитогормонлар томонидан бошқарилиб, ўсимликнинг мутаген ва ҳимоя тизимини яхшилайди.
- ✓ Кўсаклар очилиши 15-20%га, пишиб етилиши 3-5 кунга тезлашади.
- ✓ Пахта ҳосили 2,0-5,0 ц/га ортиб, толанинг технологик сифат кўрсаткичлари яхшиланади.

### **Ғўзада стимуляторларни қўллаш технологиялари**

Сўнгги йилларда экинларнинг ҳосилдорлигини оширадиган янада самарали усуллар қўлланилмоқда. Ушбу усуллардан бири уруғларга ишлов бериш ва баргидан озиқлантириш учун турли хил агрокимёвий воситалардан фойдаланиш ҳисобланади. Ишлаб чиқарувчилар ва етказиб берувчилар турли хил маҳсулотларни таклиф этадилар: мураккаб минерал ва органоминерал комплекслар, хўмик кислоталар ва аминокислоталарга асосланган ўғитлар, микробиологик препаратлар ва бошқалар.



**Гумимакс-П** барг орқали озиқлантириш учун комплекс гумино-минерал ўғити - бу кимёвий стресслий йўқотиши, ҳосил ва маҳсулот сифатини ошириш учун барча турдаги экинларни баргидан озиқлантириш, уруғлар ва бошқа экиш материалларининг қувватини ва ривожланишини ошириш учун мўлжалланган кўп функцияли суюқ гуминли ўғит. Дон таркибидаги клейковина, ёг ва шакар миқдорини ошириш, нитратларни пасайтириш мақсадида қўлланилади. Гумимакс-П ўғитлари анъанавий азотли озукаларни қўллашга алтернатив усул ҳисобланади.

Гумимакс-П ўғити таркибида макро, микроелементлар ва биологик фаол моддалар мавжуд: гумин ва фулвик кислоталар, аминокислоталар, пектинлар, меланоидинлар, гематомеланик ва бошқа кислоталар, В1, В2, В3, В6, В12, С, D, Е, РР витаминлари, каротин, фолий кислотаси, фитогормонлар, ферментлар, шунингдек фойдали микроорганизмларнинг катта бирлашмаси мавжуд. Барча таркибий қисмларнинг комбинацияси ўсимликларни қўшимча озиқлантириш билан таъминлаш ва экинларнинг ўсиши ва ривожланишини рағбатлантириш нуқтаи назаридан ўғитнинг кўп қиррали эканлигини белгилайди. Азот - (аммиак, нитрат) оқсил метаболизмига, янги баргларнинг шаклланишига таъсир қиласи. Калий ўсимликларнинг заарли экологик шароит ва касалликларга чидамлилигини оширади. Фосфор илдиз

тизимининг шакланиши ва ривожланиши ва келажакда ҳосилни йиғиш учун жавобгардир.

Микроэлементлар: темир - хлорофил шакланиши учун масъул, рух - ўсимликларнинг бир текис ўсиши ва пишиши учун. Олтингутурт озуқавий моддалар алмашинуви ва ташилишида иштирок этади ва бор уларнинг сўрилишини яхшилайди. Мис фотосинтез ва нафас олиш жараёнларида иштирок этади, магний ва марганец ўсимликларнинг фотосинтетик фаоллигига таъсир қиласи. Молибден ферментларнинг муҳим таркибий қисмидир. Кремний ҳужайра деворларини мустаҳкамлади.



**“FITOVAK”** иммуностимулятори ўсимликларни физиологик ва биокимёвий химоя реакцияларини кучайтириб, агроценоздаги пассив иммунитетни актив ҳолатга келтириши ва ўсув даврининг охиригача мавсумий чидамликлигини ошириш хусусиятига эгадир.

“FITOVAK” препарати 2006-2013 йиллар мобайнида республикамизнинг барча вилоятларда ишлаб чиқариш синовларида юқори натижалар кўрсатганлиги сабабли ЎзПИТИ Илмий Кенгashiда (1-сон, 09.01.2013 йил.) тасдиқланиб, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва ЎзҚХИЧМаркази томонидан ишлаб чиқаришда қўллашга тавсия этилган.

“FITOVAK”да «био» фунгицидлик хусусияти мавжуд бўлиб, турли касалликлар ва зааркунанда хашоротларга қарши ўсимлик химоя реакцияларини рағбатлантирувчи — фитовакцина сифатида фойдаланиш мумкин.

“FITOVAK” иммуностимулятори ўсимликларни ноъқулай обхаво шароитларида стресс ҳолатлардан, замбуруғ, вирус, бактериал касалликлардан ва майда сўрувчи-кемиравчи зааркунанда хашоротлардан химоя қиласи.

“FITOVAK” экологияга зиёnsиз бўлиб, биолаборатория маҳсулотлари қўлланилган далаларда ишлатиш мумкин. Препаратда реабилитация, репеллентлик, антидотлик ва синергетик хусусиятлар мавжуд бўлиб — турли биоцид препаратларига ва минерал ўғитларга қўшиб комплекс холда қўлланганда уларни сингишини, таъсир кучини ва давомийлик муддатини оширади.

«FITOVAK» иммуностимуляторининг иқтисодий самарадорлиги юқори бўлиб, ўсимликларни:  
 - илдиз чириши, қорасон, гоммоз, вилт, фузариоз, занг ва бошқа касалликлардан,  
 - трипс, оқ паشا, тута, фитономус, ўргимчаккана, кўсак қурти, хасва, колорадо қўнғизи ва бошқа заараркунанда хашоротлардан химоя қилиши мумкин.

## 7-жадвал

### Чигитни экиш олдиdan ва ғўза вегетацияси даврида

#### стимуляторлар билан ишлов бериш

Ишлов бериш усули	Қўлланиладиган стимуляторлар	Кутиладиган натижалар
Чигитга экишдан олдин ишлов бериш	Гумимакс 0,8-1,0 л/т, Узгуми 0,7-0,8 л/т, Фитовак 200-400 мл/т, Байкал ЭМ1 3,0-3,5 л/т, Замин-М 2,0-2,5 л/т, Альбит 75-100 мл/т, ВЛ 77 0,5-0,7 л/т, Гумми 20 1,0 л/т, Ҳосилдор 0,5-0,6 л/т	Нихоллар униб чиқиши 10-15% тезлашиб, илдиз чириш, гоммоз ва вилтга чидамлилиги ортади, ўсиши ва ривожланиши авжлашиб, пахта ҳосили

		2-3 ц/га кўпаяди, тола сифати ошади.
Ғўзанинг шоналаш ва гуллаш даврида кўллаш	Гумимакс 0,3-0,4 л/га, Фитовак 200-300 мл/га, Узгуми 0,3-0,4 л/га, Байкал ЭМ-1 3,0-3,5 л/га, Замин-М 2,0-2,0 л/га, Альбит 40 мл/га, ВЛ 77 0,5-0,7 л/га, Гумми 20 1,0-1,5 л/га, Хосилдор 0,4-0,6 л/га	Ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши яхшиланиб, гуллаши ва кўсаклар очилиши 15-20% тезлашиб, вилтга чидамлилиги ортади, пахта ҳосили 10-20% гача кўпаяди, тола ва чиғит сифати ортади.

### ***Мавзу юзасидан назорат саволлари***

1. Тупроқ унумдорлиги ва қишишлоп хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини ошириш учун минерал ўғитлардан тайёрланган суспензиялар ва ўсишни мувофиқлаштирувчи моддалар қандай таъсир кўрсататди?
2. Ғўзани баргдан озиқлантириш учун қандай минерал ўғитлардан тайёрланган суспензия турлари мавжуд.

3. Минерал ўғитлардан тайёрланган сусpenзиялар ва ўсишни мувофиқлаштирувчи моддалар қандай афзалликларга эга?
4. Гумимакс ўғити ўсимлик ватупроқга қандай таъсир кўрсатади?
5. Гумимакс, УзГУМИ, Фитовак ўғитларини ғўзани парваришилашда қайси муддатларда ва қанча меъёрларда қўлланилади?
6. Гумимакс, УзГУМИ, Фитовак ўғити қўлланилганда минерал ўғитларни самарадорлигини неча фоизгача ошириб беради?
7. Ғўза, кузги буғдой ва бошқа экинларни баргдан озиқлантиришда сусpenзия сифатида қайси микробиологик ва биоўғитларни қўллаш мумкин?

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Джуманиёзов Г.И. Фосформобилизирующие бактерии и биоудобрения на их основе // Дисс.на соиск. уч. степ, д.б.н. Т.2012.
2. Джуманиязов И.Д., Джуманиязова Г.И. Микроорганизмлар ва яшил сувутлари - тупрок унумдорлигини оширишда экологик тоза биоусуллар. – Тошкент, 2003. – С. 3-170.
3. Джуманиязов И.Д. ва бошқалар. Биологик усуллар таъсирида кандлавлаги етиштириш. – Тошкент, 2006. – С. 5-147.
4. Джуманиязова Г.И. Микробные препараты из фосформобилизующих ризобактерий и их эффективность // 3-й Московский Международный Конгресс /Биотехнология состояние перспективы развития: Тез.докл. – М., 2005. – С. 243.
5. Закирьяева С.И. *Bacillus paenibacillus* авлодига мансуб фосфор парчаловчи ризобактерия ҳужайраларини иммобилизация қилиш ва қуруқ шаклдаги биоўғитлар олиш: Автореферат дисс...б.ф.ф.д. (PhD). – Тошкент, 2018. –Б. 54.
6. Насриддинова Г.Х. Эффективность применения удобрений и биопрепаратов на урожайность хлопчатника в условиях сероземов типичных староорошаемых: Автореферат дис....канд.с-х.н.-Душенбе., 2010. -С.22.

7. Стародубцев В.Н. Влияние биопрепаратов и микроудобрения на производственный процесс озимой пшеницы. Аграрная наука №4, Москва, 2012. -С.33-35

8. Шарипов О.Б. Бухоро вилояти тупроқ-иклим шароитида Агробиотехнологиялар асосида тупроқ унумдорлигини Ошириш. Ўзбекистон республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Қарши давлат университети. ҚарДУ ХАБАРЛАРИ. Илмий-назарий, услубий журнал 3(37). 2018 -. 127-130

#### **IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

**Тупроқларни агрокимёвий ҳусусиятлари ўрганишда педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш.**

**“SWOT-тахлил” методи.**

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш ўйларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласди.



**Намуна: Тупроқларни агрокимёвий хусусиятларини ушбу жадвалга туширинг.**

S	Тупроқларни агрокимёвий хусусиятлари	Агрокимёнинг экологик муаммолари
W	-	
O		
T		

### **Хулосалаш» (Резюме, Веер) методи**

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гурухлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

## Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гурухларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гурухга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади;



ҳар бир гурух ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мuloҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қилади;



навбатдаги босқичда барча гурухлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлр билан тўлдирилади ва мавзу якунланади.

### Намуна:

#### Агрокимёвий тадбирларни илмий асосда ташкил этиш ва ўғитлардан фойдаланишнинг замонавий усуслари

Минерал ва органик ўғитларнинг ўрни		Минерал ва органик ўғитларнинг экологияга таъсири	
Ижобий	Салбий	ОЛДИНИ ОЛИШ	КЕЛИБ ЧИҚИШИ
-	-		

### Хулоса:

#### “Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади.

Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ходисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қўйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

### **“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари**

<b>Иш босқичлари</b>	<b>Фаолият шакли ва мазмуни</b>
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан танишириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> <li>✓ муаммоларни аниқлаш</li> </ul>
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблиқ иерархиясини аниқлаш;</li> <li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш ўйларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш;</li> <li>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>✓ муқобил ечимларни танлаш</li> </ul>
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка ва гурӯҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</li> <li>✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш;</li> </ul>

✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

**Кейс.** Мобил қурилма учун Андроид опреацион тизимининг 5.0 (API Level: 21) версияси учун илова ишлаб чиқилди. Сизнинг телефонингиздаги Андроид опреацион тизимининг версияси 4.3 (API Level: 18). Мобил иловани телефонингизга ўрнатиб ишга туширмоқчи бўлганингизда хатолик келиб чиқди. Яъни илова ишламади.

### Кейсни бажариш босқичлари ва топшириклар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг (индивидуал ва кичик групда).
- Мобил иловани ишга тушириш учун бажариладагина ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликлардаги иш).

## «ФСМУ» методи

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

### Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади;



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

### **Намуна.**

**Фикр: “Агрокимёвий тадбирларни илмий асосда ташкил этиш ва ўғитлардан фойдаланишининг замонавий усуллари.**

**Топшириқ:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

### **“Инсерт” методи**

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод ўқувчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

### **Методни амалга ошириш тартиби:**

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот

кўринишида тайёрлайди;

➤ янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;

➤ таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:



Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“–” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

### “Тушунчалар таҳлили” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниqlаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида

қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади ( индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

**Намуна:** “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот

**Изоҳ:** Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади.

Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

### **Вени Диаграммаси методи**

**Методнинг мақсади:** Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиши, уларнинг умумий ва

фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

### **Методни амалга ошириш тартиби:**

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гурӯхларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гурӯҳ аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргаласиб, кўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

### **Намуна: Қишлоқ хўжалиги маълумотларини сақлаш турлари бўйича**



**Методнинг мақсади:** ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш максадида қўллаш самарали натижаларни беради.

### **Методни амалга ошириш босқичлари:**

1. Дастлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган

топшириқ, яғни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гуруҳ баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри харакатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва ўқувчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қутиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидағи фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гуруҳ хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

**«Дастурий воситаларни ўрнатиш ва созлаш» кетма-кетлигини  
жойлаштиринг. Ўзингизни текшириб кўринг!**

Харакатлар мазмуни	Якка	Якка	Тўғри	Гуруҳ	Гуруҳ
--------------------	------	------	-------	-------	-------

	<b>баҳо</b>	<b>хато</b>	<b>жавоб</b>	<b>баҳоси</b>	<b>хатоси</b>

### **“Брифинг” методи**

“Брифинг”- (инг. briefing-қисқа) бирор-бир масала ёки саволнинг муҳокамасига бағишлиган қисқа пресс-конференция.

#### **Ўтказиш босқичлари:**

1. Тақдимот қисми.
2. Муҳокама жараёни (савол-жавоблар асосида).

Брифинглардан тренинг якунларини таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, амалий ўйинларнинг бир шакли сифатида қатнашчилар билан бирга долзарб мавзу ёки муаммо муҳокамасига бағишлиган брифинглар ташкил этиш мумкин бўлади. Талабалар ёки тингловчилар томонидан яратилган мобил иловаларнинг тақдимотини ўтказишда ҳам фойдаланиш мумкин.

### **“Портфолио”методи**

“Портфолио” – ( итал. portfolio-портфель, ингл.хужжатлар учун папка) таълимий ва қасбий фаолият натижаларини аутентик баҳолашга хизмат қилувчи замонавий таълим технологияларидан ҳисобланади. Портфолио мутахассиснинг сараланган ўқув-методик ишлари, қасбий ютуқлари йиғиндиси сифатида акс этади. Жумладан, талаба ёки тингловчиларнинг модул юзасидан ўзлаштириш натижасини электрон портфолиолар орқали текшириш мумкин бўлади. Олий таълим муассасаларида портфолионинг куйидаги турлари мавжуд:

<b>Фаолият тури</b>	<b>Иш шакли</b>	
	<b>Индивидуал</b>	<b>Гурӯҳий</b>

Таълимий фаолият	Талабалар портфолиоси, битирувчи, докторант, тингловчи портфолиоси ва бошқ.	Талабалар гурухи, тингловчилар гурухи портфолиоси ва бошқ.
Педагогик фаолият	Ўқитувчи портфолиоси, раҳбар ходим портфолиоси	Қафедра, факультет, марказ, ОТМ портфолиоси ва бошқ.

## **2-Мавзу: Тупроқ ва ўсимлик таркибидаги озиқа моддаларни (NPK) замонавий аниқлаш ва ўрганиш услублари.**

1.1. Тупроқ таркибидаги озиқа моддаларни (NPK) замонавий аниқлаш ва ўрганиш услублари.



1.2. Ўсимлик таркибидаги озиқа моддаларни (NPK) замонавий аниқлаш ва ўрганиш услублари.

Тупроқ хусусиятлари дала майдонида ўзгарувчанликка мойил. Тупроққа киритиладиган ўғитлар ва экинларда қўлланиладиган кимёвий моддалар табақалаштирилган меъёрларда қўлланганда тупроқ гетерогенлиги шароитида экинлар ҳосилдорлиги ошади. Бунда тупроқ намуналари олиш, уларнинг тахлили ва ўғит ҳамда гербицид, пестицид каби кимёвий моддаларни табақалаштирилган меъёрларда қўллаш харажатлари тезда ўзини қоплайди.

Азотга нисбатан, тупроқ таркибидаги фосфор ва калий камроқ вақт давомида, аммо кўпроқ кенглиқдаги ўзгарувчанликка мойил. Шу боис, экинларда табакалаштирилган РК-ўғитлар меъёрларини аниқлашда


тупроқдаги харакатчан Р ва алмашинувчи К миқдорларини бошқариш азотга нисбатан осонликча амалға оширилади.

**Азотли ўғитлар:** вақт давомидаги ўзгарувчанлик

Экинларни азотли ўғитлаш бүйича тавсиялар:

- Тупроқдаги  $\text{NO}_3\text{-N}$  миқдорларига асосланган тавсия.
- Хавола бўлинмага нисбатан тавсия.
- Турли ускуналарни қўллаш (масалан хлорофиллметр) ва улар кўрсаткичларига асосланган тавсия.

Кўйидаги ускуналар ёрдамида қишлоқ хўжалиги экинларда N-ўғити меъёрларини тезкор аниқлаш имконияти мавжуд<sup>1</sup>:

	<p><b>Рангли диаграмма (LCC)</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Содда ускуна</li> <li>- Ўсимликларга зарар етказмайди</li> <li>- Тезкор аниқлаш</li> <li>- Ишлатиш осон</li> <li>- Аниқлиги пастрок</li> <li>- Арzon (донаси 1 US\$)</li> </ul>
	<p><b>Хлорофиллметр SPAD-502</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Тезкор ва осон ўлчовлар</li> <li>- Сенсорга асосланган</li> <li>- Юқори аниқликда ўлчайди</li> <li>- Ўсимликларга зарар етказмайди</li> <li>- Тезкор аниқлаш</li> <li>- Ҳосилни олдиндан башоратлаш</li> </ul>

<sup>1</sup> Sigh et al., 2010. Need based nitrogen management using chlorophyll meter and leaf colour chart in rice and wheat in South Asia, Vol. 88(3). P.361-362.



### Яшил изловчи (Greenseeker)

- Тезкор ва осон ўлчовлар
- Сенсорга асосланган
- Юқори аниқликда ўлчайди
- Ўсимликларга зарар етказмайди
- Тезкор аниқлаш

Хосилни олдиндан башоратлаш

### Ўсимликларда озиқа етишмаслигини аниқлаш усуллари

**Фосфорли ва калийли ўғитлар:** далалар орасидаги ва дала майдонларидаги ўзгарувчанлик.

а) Экинларда фосфор ўғитининг мақбул меъёрини аниқлаш тупроқдаги харакатчан фосфор микдори ва одатдаги тавсияномаларга асосланади. Бунда нафақат далалар орасидаги ўзгарувчанлик, балким даланинг турли қисмларидаги харакатчан фосфор микдорлари инобатга олинади ва табақалаштирилган фосфор меъёрлари қўлланилади.

б) “Экинларда калий ўғитининг мақбул меъёрини аниқлаш фосфорга ўхшаш. Лекин бунда қўшимча равишда ўсимликларнинг вегетация давомида портатив ускуналар ёрдамида тезкор ўсимлик ташхиси бажарилади ва К-ўғит меъёрига тузатишлар киритилади”<sup>2</sup>.

**3-4-Мавзу: Ўғитларни кўллашда тупроқни оғир металлар билан ифлосланиши ва уларни ўсимликка таъсири аниқлаш.**

3.1. Ўғитларни кўллашда тупроқни оғир металлар билан ифлосланишини аниқлаш.

4.1. Тупроқни оғир металлар билан ифлосланишининг ўсимликка таъсирини аниқлаш.

### Тупроқни оғир металлар билан ифлосланиши

<sup>2</sup>Pierce and Nowak. Aspects of Precision Agriculture. J. Adv. Agron. 1999. 67: 1-85.

XXI асрда инсон яратган “механизмлар” 55000 турдаги кимёвий бирикмалар мұхитга ташланмоқда, уларни күпчилиги табиий радионуклидларни (Терн номли) Уран-238, Торий-232, фтор бирикмалари ва бошқа зақарли токсикантлар ҳаёт учун хавфли бўлиб қолди. Бу моддаларни хавфлиги шундаки уларни ярим парчаланиш даври узоқ муддат давом этади: Уран- $45 \cdot 10^9$  йил, Торий-232- $1,39 \cdot 10^{10}$ , қолаверса улар сүяк тўқималарини кемириш хусусиятига эгадир. Шулар эътиборга олинса, агрокимёвий моддалар билан тупроққа тушаётган зақарликларнинг кўпайиб кетганини, уларни йўқотиш чора-тадбирлари кам ишлаб чиқилганини кўрамиз. Масалан, қишлоқ хўжалигига ишлатилаётган фосфорли ўғитлар таркибидаги радионуклидлар ва фтор бирикмаларининг ҳажми қанчалиги, уларни тўпланиши, миграцияси ва уларни камайтириш ишлари етарли ҳисобланмаган, ахир улар тирик таналар учун захарли ҳисобланади. Аммо минерал ўғитларсиз ўсиб бораётган инсон эҳтиёжини қондирадиган даражада ҳосил олиб бўлмайд. Шуни инобатга олиб ўғитларни ишлатиш ҳақида тўла тасаввурга эга бўлиш керак ва уларнинг асосийлари қуйидагилар:

1. Экинлардан физиологик ирсий потенциал имконияти даражасидан фойдаланишини яхшилаш, ҳосил олиш бўйича жаҳон рекордлари, ҳозир буғдой бўйича гектарига 145 центнерга, маккажўхори бўйича 222 центнерга етди, бу эса шу экинларнинг физиологик имкониятига яқинлашади. Минерал ўғитлар юқори даражада қўлланиладиган мамлакатларда ғалла экинларининг ҳосилдорлиги 40 центнерни ташкил қиласди. Нидерландия, АҚШ, Германия, Буюк Британия сингари мамлакатларда ўртача гектарига 300-350 центнер картошка, 500 центнер қанд лавлаги ҳосили олинмоқда.

2. МДХ мамлакатларида ҳосил шаклланишда ўғитлар салмоғи қуйидагича: ноқора тупроқ зонада - 60, ўрмон-чўл зонасида - 40, Европа қисмининг шимолий ғарбий чўл зонасида - 15, сугориладиган жанубий - шарқий зонада – 10, сугориладиган - 40, сугориладиган дехқончиликнинг чўл сахро зонасида - 50, Кавказорти нам субтропикларида - 55 фоизни ташкил қиласди.

Яқин келажагида қишлоқ хўжалик махсулотларини ишлаб чиқаришда кимёсаноати иштирокисиз инсониятнинг озиқ овқат махсулотлари билан таъминлашнинг иложиси йўқ. Мана шунинг учун ҳам олинган маълумотларга кўра, қишлоқ хўжалик томонидан жаҳон қишлоқ хўжалигига минерал ўғитлар истъемоли 2018 йилда 200 млн. тоннани ташкил этиш кутилмоқда.

3. Ўсимлик организмидаги углерод, кислород ва водород манбай ҳавонинг карбонат ангидридини гази ва сувдир, азот манбай эса тупроқ таркибидаги минерал азот тузларидир. Ер шарининг ўраб турган атмосферада битмас-тугамас азот захиралари бўлишига қарамай, ўсимликларга азот озиқаси етишмайди, чунки ҳаводаги молекуляр азотни дуккали экинларидан бошқаси деярли ўзлаштира олмайди.

**Тупроқ, ўғитлар, сув ва ўсимлик махсулоти таркибида оғир металларни рухсат этилган миқдорлари.** Сувда эрийдиган ноорганик азот бирикмалари азотнинг нитрат ва аммоний тузлари тупроқдан ўсимликларнинг илдизлари билан ютилади ва бир қанча биокимёвий жараёнлари туфайли карбонатнинг ассимиляциялаш махсулотлари азотли органик бирикмалари - оқсиллар бўлган карбонат сувлари билан бирикадилар. Инсон ёки чорва моллари организми оқсиллар синтези учун ноорганик бирикмаларидан, азотдан фойдаланиш лойиқатидан маҳрумдир. Азот таъминотига нисбатан улар учун захиралар ўсимликларнинг ассимиляцияловчи фаолияти ҳамда ўсимлик билан овқатланадиган молларнинг оқсиллари билан чегараланиб қолади. Унинг учун инсон ва молларнинг оқсилига қондириш ўсимликларнинг минерал бириккан азотга эҳтиёжи қай даражада азот энг зарурий элемент эканлигини унутмаслик керак. Азотли минерал ўғитлар ўсимликлар томонидан илгари ҳисоблаб келинганлигидек 60-65 фоизига эмас, балки атиги 35-40 фоизга фойдаланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ўғитлар инситутида лизиметрик шароитда азотнинг барқарор изотопини қўллаб, бўз тупроқ ерларидаги пахтазорларидан азот баланси ўрганилган. Солинадиган

ўғитларнинг кўпнгина миқдори тупроқнинг органик моддаси таркибида мустаҳкамланади: гектарига 200 кг азот 140 кг фосфор ва 60 кг калий солинганда - 22,5 фоиз, 300 кг азот, 200 кг фосфор ва 100 килограм калий ишлатилганда 25 фоиз тупроқдан, азотли ўғитларнинг газсимон юқолиши 36-5-47,0 фоизни ташкил этган. Бунда ўғитлар миқдори қанча юқори бўлса, азотнинг бехуда йўқолиши ҳам шунча кўп бўлган.

Минерал ўғитлар бўйича халқаро марказ маълумотларига кўра, шоликорликда минерал ўғитларнинг азот нобудгарчилиги ҳозирги вақтда ўртача 50-70 фоизини ташкил этади. Ўзбекистонда 1990 йилда 1 млн. 830 минг га майдонда ғўза, 147 минг га ерда шоли етиштирилди. Биринчи экинга гектарига 247 кг соф азот, иккинчисига 150 кг, солинди, пахта ва шоли майдонларидан газ ҳолатдаги азот 194 минг тоннани ташкил қилганида. Ҳаммаси бўлиб эса Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига 100 фоизли азотга қайта хисобланганда 1990 йилда 541 минг тонна азотли ўғитлар етказиб берилди, унинг 36 фоизи газ холатида учиб кетади, ёки азотли ўғитлар ишлаб чиқарадиган Ўзбекистон кимёсаноатининг 3 та йирик корхонасидан (Чирчиқдаги Чирчиқ-Максам, Фарғонадаги “Фарғонаазот” ва Навоийидаги “Навоий азот”) фақат 2 таси ишламоқда, биттаси эса бекор турибди деган хулоса қилиш мумкин.

Азотнинг бундай катта нобудгарчилиги нима сабабдан руй бераётir? Азот N15 белгисини қўллаш азот тупроқда кечётган ўзгаришларининг ҳақиқий кўрсаткичларини аниқлаш имконини берди, параллел равища ўтказилган микробиологик кузатишлар эса шу ўғитларнинг ҳаракат механизмини аниқлашга кўмаклашди (Усманов, 1993).

3. Азот нобудгарчилигига қарши кураш катта миқдордаги ўғитни тежаш имконини беради. Азот нобудгарчилиги азотнинг тупроқдан газсимон шаклда ( $N_2$ ,  $N_2O$ , NO,  $NH_3$ ) учиши оқибатидир. Тупроқда газсимон шакллари пайдо бўлиши асосан денитрификация, аммонификация ва нитрофикацияси жараёнида биологик йўл билан содир бўлади.

Аммонификация жараёнида органик моддадан хосил бўлган ёки ўғитларнинг аммонийли шакллари билан солинган аммонийли азот аммиак шаклида учиб кетиши мумкин. Бироқ аммонийли азотнинг каттта қисми нитратлар хосил бўлиши билан нитрофикацияга учрайди, бунда оралиқ махсулотларнинг бир қисми газсимон шаклда (азот оксида ва икки оксида) йўқолиши мумкин. Денитрификация жараёни аэробли ва аноэробы шароитида жадал ўтади, хосил бўладиган газсимон бирикмалар миқдори микробиологик жараёнлар ўтадиган шароитга боғлиқ. Лаборатория тажрибаларида тупроқ намликка 100 фоиз тўйингандага ўн кундан кейин, унда азотнинг дастлабки миқдоридан 96 фоиз  $N_2$  ва  $H_2O$  шаклида учиб кетган. Тупроқ намлиги 90 фоизни ташкил қилгандага - 56 фоиз, 80 фоиз намликда ва турли хароратларда азотнинг газсимон шаклда бехуда йўқолиши куйидагиларни ташкил этади: 3° да 0,8 фоизни, 12° да 11,7 фоизни ва 20-22° да 88 фоизни, pH 4,6 бўлгандага бехуда йўқолиши 0,8, pH 5,5 ва 6,6 бўлгандага эса мутаносиб равишда 33 ва 73 фоиз бўлган. Тупроқ pH кислотали бўлгандага  $N_2O$  кўпроқ, ишқорий муҳитда эса  $N_2O$  камроқ ажралиб чиқади.

**Техноген ифлосланган тупроқларни тиклаш тадбирлари.** “Азот нобудгарчилигини камайтиришда карбамид-формальдегид ўғитлари (КФУ) ишлаб чиқилса мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай технология “Ўзкимёлойиха” ва Ўзбекистон Республикаси ФА ўғитлар инситутининг биргалиқдаги иш натижаси сифатида Тожикистондаги Вахш азот-ўғит заводида жорий қилинган эди. Карбамид-формальдегидли ўғитлар оч бўз тупроқлар шароитида ғўзага солингандага ўғит таркибидаги азот тупроқ билан бирикади ва тегишли равишда азотнинг нобудгарчилиги камаяди. Бунда аммонийлаштирувчи микроорганизмлар, шу жумладан бакциллар сонининг кўпайиши аниқланади, сўнгра актиномицетлар, азот тўпловчи микроорганизмлар минерал азотни ўзлаштирувчи бактериялар сонининг кўпайиши қайд қилинган. Бунда тупроқдаги чиринди миқдорининг ортиши кузатилган”.

Тупроқлардаги оғир металлар таркибига атмосфера ва унга кимё, оғир ва атом саноати корхоналари мұрилари орқали ташланадиган элементлар сезиларли таъсир күрсатади. Атмосферадан тупроқ юзасига ёғаётган ёғинлар таркибиде қүрғошин, кадмий, маргимуш, симоб, хром, никел, фтор, алюминий ва бошқа элементлар учраши мумкин.

Дж. Вуд (1974) гурухлаши бўйича Be, Co, Ni, Cu, Zn, Sn, As, Se, Te, Rb, Ag, Cd, Hg, Pb, Sb, Pt юқори даражадаги токсик оғир металлар ҳисобланади. Шу билан биргаликда, Cd, Hg, Pb, Cu, As оғир металлар биринчи навбатда эътиборга олинади, чунки уларни тупроқда тўпланиши тезкор кечади.

Оғир металлар минерал ўғитларнинг табиий кўшимчалари ҳисобланади. Улар айниқса оддий суперфосфат таркибиде кўп учрайди: кадмий (50-170 мг/кг), хром (66-234 мг/кг), қўрғошин (7-92 мг/кг), никел (7-32 мг/кг).

Оғир металлар протоплазматик заҳарлар ҳисобланади, уларнинг заҳарлилиги нисбий атом массаси ошиши билан ортиб боради. 1 мг/л гача микдордаги эритмада тест-организмларга салбий таъсир күрсатадиган бирикмалар энг юқори фитотоксикликка эга бўлган элементлар ҳисобланади. Бундай элементларга  $\text{Ag}^+$ ,  $\text{Hg}^{2+}$ ,  $\text{Ni}^{2+}$ ,  $\text{Pb}^{2+}$  ва  $\text{CrO}_4^{2-}$  лар киради. Микдори 1 дан 100 мг/л гача бўлганда салбий таъсир күрсатадиган элементлар ўртacha заҳарли элементлар ҳисобланади. Ушбу гурух таркибига арсенатлар, боратлар, броматлар, хлоратлар, перманганатлар, молибдатлар, антимонатлар, селенатлар, ва шунингдек As, Se, Al, Ba, Cd, Cr, Fe, Mn, Zn ва бошқа ионлари киради. Кучсиз заҳарликка эга элементларга 1800 мг/л дан юқори даражада баъзан салбий таъсир күрсатадиган кимёвий элементлар:  $\text{Cl}^-$ ,  $\text{Br}^-$ ,  $\Gamma$ ,  $\text{Ca}^{2+}$ ,  $\text{Mg}^{2+}$ ,  $\text{K}^+$ ,  $\text{Na}^+$ ,  $\text{Rb}^+$ ,  $\text{Sr}^{2+}$ ,  $\text{Li}^+$ ,  $\text{NO}_3^-$ ,  $\text{SO}_4^{2-}$  ва бошқалар киради.

Оғир металларнинг заҳарлилиги турлича намоён бўлиши мумкин. Кўпчилик металлар, масалан; мис ва симоб заҳарли микдорларда ферментлар фаоллигини ингибирлайди. Ушбу металлар органик молекулалар билан ҳам ҳужайра мемранаси орқали ўтиш хусусиятига эга бўлган комплекс бирикмалар ҳосил қиласи. Симоб, қўрғошин, мис, бериллий, кадмий ва

кумуш асосан ишқорий фосфатазани, каталазани, оксидазани ва рибонуклеазани ингибирлайди.

Алюминий, барий ва темир сингари оғир металлар  $\text{PO}_4^{2-}$ ,  $\text{SO}_4^{2-}$  ва бошқа анионлар билан преципитатлар, шунингдек оддий метаболитлар билан хелатлар сингари комплекслар ҳосил қилишга ва уларнинг моддалар алмашинувида иштирок этишига ҳалал беришга қодир, АТФ сингари муҳим метаболитларнинг парчаланишини (деградация) кучайтириши мумкин.

Алоҳида оғир металлар ҳужайра мембранныи билан, уларнинг ўтувчанлик ва бошқа хусусиятларини ўзгартириб ўзаро таъсир қиласди. Масалан; Au, Cd, Cu ва  $\text{Fe}^{2+}$  баъзан ҳужайра мембранныи узилишини келтириб чиқаради. Баъзи оғир металлар ўсимликлар учун зарур бўлган металлар билан рақобатлашиб, уларнинг энг муҳим функционал вазифаларини издан чиқаради. Масалан; Li Na билан рақобатлашади, Cs→K ни ўрнини эгаллайди; Ba ва Sr→Ca алмаштиради; Cd→Zn ўрнини эгаллайди.

Металларнинг фитозаҳарлиги ва ўсимликларнинг уларга чидамлилиги кўпгина шартларга боғлиқ. Тупроқ эритмасидаги металлнинг миқдори муҳим аҳамиятга эга. Баъзи ўсимлик турлари алоҳида оғир металларни сезиларли салбий таъсирсиз ўзида тўплаш хусусиятига эга. Ўсимликнинг бир металлга чидамлилиги аксар ҳолларда бошқаларига тарқалмайди. Организмнинг ушбу хусусияти генетик назорат остида бўлиб, оғир металлар билан ифлосланган тупроқларда экологик тоза маҳсулот бера олиш хусусиятига эга бўлган янги навларни яратишда фойдаланиш мумкин, деб таҳмин қилиш мумкин.

Металларнинг фитозаҳарлигига pH, тупроқларнинг катион алмашиниш хусусияти, органик модда миқдори сингари тупроқ омиллари таъсир кўрсатади. Оғир металлар миқдори сезиларли бўлган тупроқларда pH муҳитини 7,0 чегарасида сақлаб қолиш ушбу металларнинг кўпчилигини фитозаҳарлигини олдини олади, аммо pH 5,5 ва ундан ҳам паст бўлганда металларнинг худди шу миқдорлари ўсимликларнинг нобуд бўлишига олиб келиши мумкин.

Тупроқларнинг органик моддаси турли металларни турлича ушлаб қолади. Улардан баъзилари кучли ушлаб қолинса, баъзилари – кучсиз. Қишлоқ хўжалик экинларининг озиқа элементлари билан таъминланганлиги, ўсиш фазаси, илдизларнинг кириш чуқурлиги, ўсимликларнинг вегетация даврининг узунлиги уларнинг оғир металларга бўлган толерантлигига таъсир кўрсатади. Ўғитлаш, охаклаш ва бошқалар сингари агротехник тадбирлар металларнинг заҳарли таъсирини пасайтириши ёки кучайтириши мумкин.

Ўсимликлар ўстиришнинг ёруғлик, ҳарорат ва намлик сингари шароитларининг ўзгариши оғир металларнинг тупроқ муҳити ва ўсимликлардаги кўчишига, шунингдек ўсимлик ва металлар ўртасидаги ўзаро фаолиятга таъсир кўрсатади.

Никелнинг ўсимликлар учун заҳарлилиги кўпроқ кислотали тупроқларда намоён бўлади, ҳаракатчанлиги эса муҳит реакцияси нейтрал ёки кучсиз ишқорий карбонатли тупроқларда ошади. Заҳарланиш ҳоллари ўсимлик таркибидаги миқдори 50 мг/кг бўлган ҳолларда кузатилган. Бу элемент ўсимликларга жуда яхши ўтади ва унинг ўсимликлардаги миқдори шу ўсимликлар ўсадиган тупроқдаги миқдоридан юқори бўлиши мумкин. Бундай ҳолат муҳит pH нейтрал ёки кучсиз ишқорий (pH 6,0-7,2) бўлган қурғоқ минтақа тупроқлар шароитида тез-тез кузатилади. Бу ҳолда никелнинг ҳаракатчан бирикмаларининг тупроқдаги миқдори умумий никел миқдорининг 50-60% гача етиши мумкин.

### **Фосфорли ўғитларни тупроқ экологиясига таъсири**

Фосфор ўсимликлар учун зарурий элементdir, у тўқима ва хужайрадаги нуклеопротеидлар, фосфоритлар, фитин, қандли фосфатлар ва бошқа бирикмалар таркибига киради, кўпгина модда алмашинуви реакциялари учун иштироқсиз мақбул кечмайди, ўсимликни ўсиши ва ривожланиши сустлашади. У асосан ўсиш нуқтасида тўпланади, барг, илдиз, пояда камроқ бўлади, ўсимликларнинг нави, тури ва шароитига қараб унинг миқдори 0,05 фоиздан 0,5 фоизгacha ўзгариб туради. Масалан, бошоқли экинларда фосфор миқдорининг энг кўп миқдори ўсимликнинг тўпланиш

даврида кузатилади: пишиш даврида эса фосфора донга транслокация бўлади. Масалан, арпа тўпланиш даврида 6,9 кг/га, гуллашда 15-25 ва пишишда 30 кг/га заҳирадаги фосфорга эга бўлади. Ўсимлик ривожининг биринчи ярмида фосфорни ўсимлик умумий талабидан 28 фоизни, иккинчи яримида 59 фоизини ва учинчи даврида 13 фоизини ўзлаштиради. Арпани барги ва поясида энг кўп фосфор ўсиликнинг гуллаш даврида кузатилади, кейинчалик унинг миқдори камаяди. Ўсимлик илдизида фосфор миқдори гуллаш даврида кўпаяди, кейинги ривожланиш даврларида деярли бир миқдорда сақланади. Бошқаларда эса пишиш давригача фосфор миқдори юқори бўлади, меваларга фосфор асосан ўсимлик барги ва поясидан оқиб ўтади. Тупроқдан эса ўсув даврини 2-чи ярмида 25 фоиз миқдорда ўзлаштиради холос.

Фосфор етишмаслиги ўсимликлар томонидан темир, рух, никел, мис, кобальт, марганец каби элементларнинг сўрилишига тўскинлик килади. Тупроқки киритилгандан сўнг фосфорли ўғитларнинг бир қисми экинлар учун ўзлаштирилмайдиган холатга ўтади, натижада ўсимлик бошқа элементларни ўзлаштириши ҳам ёмонлашади. Бир томонлама фосфор ўғити ишлатилгандан ўсимликка руҳни ўтиши ёмонлашади, бу элемент етишмай ҳосил миқдори ва сифати камаяди. Шуни ҳисобга олиб баъзида фосфор ва рух ўғитларини биргаликда ишлатиш тавсия этилади. Масалан, В.Г.Минеев таъкидлашича, маккажўхорида фосфор ва рух биргаликда қўлланилганда дон ҳосили 8,12 т/га, фақат фосфор 90 кг берилганда - 7,39 т/га, фосфор берилмасдан фақат 24 кг рух қўлланилганда 6,76 т/га, 90 кг/га  $P_2O_5$  ва 24 кг/га Zn биргаликда ишлатилганда ҳосил 10,85 т/га ни ташкил этган.

Аппатитлар таркибида 3 фоиз, Қоратоғ фосфоритларида 2,8 фоизгача фтор бўлади. В.Г.Минеев кўрсатича, МДХ мамлакатларидағи фосфоритлар таркибида фосфор миқдори 8,3 дан 15,7 фоизгача, 1 тонна фосфоритдаги фтор элементи эса 150-300 кг гача бўлар экан. Демак, ўргача 1 тонна фосфорит билан 160 кг/га фтор тушиши эҳтимоли бор. Шуниси қизиқарлики, табиий фосфор рудаларида фтор эримайдиган холатда, ўғитларда эса

эрийдиган холатда бўлади. Демак, фторсиз фосфор ўғитлари ишлаб чиқаришини йўлга қўйиш бошланган экан, бу ишни давом эттириш лозим. Маълумки, фторни тупроқда кўпайиши уларни ўсимликларни мевасини ривожига салбий таъсир этади. Демак, фосфор ўғитлари таркибидаги фторни камайтириш, уларни тупроқда тўпланиб қолишига йўл қўймаслик лозим, акс холда у ўсимликларга, сўнгра инсон танасига ўтишини олдини олиш чара қўллаш талаб этилади.

Фосфорли ўғитлар таркибида қадмий миқдори юқори бўлиши мумкин. Масалан Австралияда аниқланишича, 1 кг суперфосфатда қадмий миқдори ўртacha 38-48 мг/ни ташкил этган. Бошқа мамлакатларда ҳам шундай холатлар учрайди. Шуниси ажабланарлики, фосфор ўғити таркибидаги қадмий тупроқдаги алмашунувчи катион шаклида сақланиб туради. Агар тупроққа 2500 кг/га оддий суперфосфат киритилса, қадмийнинг миқдори 10 марта ортиши мумкин. Фосфоритлар таркибидаги қадмий миқдори 5-100 мг/кг оралиғида бўлади. Ҳисоб-китобларга кўра, бир йилда гектарига 3 кг қадмий тушар экан агар 1 гектар ерни хайдов қатлами 3 млн. кг тупроққа эга бўлса, бу миқдор жуда ҳам оз, яъни 0,001 мг/кг га тўғри келади. Йўл қўйиш мумкин бўлган миқдор 0,1 мг/кг бўлганини эътиборга олсак, 100 йилда тупроқда шунча миқдорда қадмий тўпланар экан. Экинлар орасида қадмий элементига жуда ҳам сезгир соя ўсимлиги бўлиб, ушбу экиннинг ўсишининг сусайиши ва дон ҳосили камайиши тупроқдаги қадмий 10 мг/кг дан ортиқ бўлганидаёқ сезилади. Шолида эса бу миқдор 10-20 мг/кг ни ташкил этади, чунки шолипояларда қадмийни ўсимлик томонидан сўрилишини камаяди. Швецияда фосфор ўғити узоқ вақт давомида дехқончиликда ишлатилганда (70 кг/га) ҳам тупроқдаги қадмий миқдори 2,8-9,1 мг/кг оралиғида бўлган ва унинг заарли таъсири кузатилмаган. Гўнг таркибида ҳам қадмий элементи мавжуд, молхонадаги 1 кг гўнгда қадмий миқдори 0,4 мг/кг бўлиб, 5 тонна шу гўнгдан ерга солинса тупрққа 1-4 г қадмий тушади, ёхуд ерни устки қисмида уни миқдори 1 фоиз атрофида бўлиб қолади. АҚШда шахар оқава сувлари таркибида қадмий миқдори 1,0-1,54 мг/кг, Данияда 5,4 мг/кг

бўлганлиги файлд этилган. Илмий изланишлар натижаларига кўра, сапропелни органик ўғит сифатида ишлатилиши тупроқда қадмий ва бошқа оғир металларни кўпайишига сабаб бўлиши мумкин, чунки сапропель таркибида 50-100 мг/кг қадмий бўлиши мумкин.

Рух тупроқка минерал ўғитлар билан тушиши мумкин, суперфосфат ўғитида 21-51 мг/кг гача бу элемент борлиги аниқланган, аммофосда эса 10-54 мг/кг, калий хлоридда - 3,1 мг/кг, селитрада - 0,2 мг/кг бўлиши мумкин.

“Қурғошин ҳам минерал ўғитларда, гўнгда ва оҳактошда учраб туради. Турли мамлакатларда ишлаб чиқилаётган ўғитларда ва оҳакда 0,05-95 мг/кг гача Pb бўлиши аниқланган. Айниқса соя унида унинг микдори кўп бўлиб, 500 мг/кг гача етади. Хиндистонда ишлаб чиқарилган ўғитларида бу элемент кўпдир, масалан азот ўғитида - 42-116 мг/кг, фосфор ўғитида - 238-962 мг/кг, калий ўғитида – 119 мг/кг, мураккаб ўғитларда - 150-430 мг/кг аралашма ўғитларда - 216-444 мг/кг ташкил этади.”

## 8-жадвал

### Баъзи элементларнинг тупроқ ва ўсимлик тракибида рухсат этилган микдорлари, мг/кг

([http://www.gidrogel.ru/ecol/hv\\_met.htm#heavy\\_metals](http://www.gidrogel.ru/ecol/hv_met.htm#heavy_metals))

Элементлар	тупроқ	сабзавотлар	картошка	мевалар
Кадмий	3-5	0,03	0,03	0,03
Рух	32	0,5	0,3	0,4
Симоб	2,1	0,01	0,05	0,01
Мышъяк	2	0,5	0,3	0,5
Хром	0,05	—	—	—
Никель	50	0,5	—	0,5
Фтор	200	2,5	—	2,5

Геотизим компонентларининг ифлосланиш жараёнларини тўғри таҳлил қилиш, уларни рекультивациялаш усулларини ишлаб чиқиш учун табиатда объектив мавжуд бўлган ва инсон томонидан яратилган биогеохимик тўсиқлар назариясини ишлатиш фойдалидир.

Ифлосланган тупроқлар ҳолатини уч хил даражада баҳолаш қабул қилинганды:

- 1) нисбатан қониқарлы ҳолат;
- 2) фавқулодда экологик ҳолат;
- 3) экологик фалокат (жадвал).

## **9-жадвал**

### **Тупроқнинг экологик ҳолатини баҳолаш учун ифлосланиш параметрлари**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Экологик фалокат</b>	<b>Фавқулодда экологик ҳолат</b>	<b>Нисбатан қониқарлы ҳолат</b>
<i><b>Селимеб майдонлар тупроқлари</b></i>			
Тупроқ сатҳидан м.баландликдаги экспозицион доза қалинлиги, <small>мкР/час</small>	1	400 дан ошиқ	20 гача
Радиоактив фаол ифлосланиш, Ки/кв.м: Цезий -137 Стронций-90,	40 дан ошиқ 3.0 дан ошиқ	15...40 1...3	1 гача 0.3 гача
Кимёвий ифлосланишнинг йиғинди кўрсаткичи - Zc	128 дан ошиқ	32...128	16 гача
<i><b>Қишлоқ хўжалик майдонлари тупроқлари</b></i>			
Радиоактив фаол ифлосланиш, Ки/кв.м: Цезий -137 Стронций-90,	40 дан ошиқ 3.0 дан ошиқ	15...40 1...3	1 гача 0.3 гача

Кимёвий моддалар ПДК ошуви:				
1-класс хавфлилик, бензапирен, диоксин билан	3.0 дан ошиқ	2...3	1.0 гача	
2-класс хавфлилик				
3-класс хавфлилик, нефть ва нефт махсулотлари билан	10 дан ошиқ 20 дан ошиқ	5...10 10 20	1.0 гача 1.0 гача	

Тупроқнинг кимёвий ифлосланиши кимёвий қўрсаткич йиғиндиси  $Z_c$  бўйича баҳоланади, у ифлослантираётган моддалар концентрацияси коэффицентларининг йиғиндиси сифатида хисобланади.

$$Z_c = \sum_{i=1}^n K_{ci} - (n - 1)$$

Бу ерда: n – аниқлананаётган элементлар сони;

$K_{ci}$  – i – ифлосланаётган модданинг концентрация коэффициенти; селитеб майдонлар учун;  $K_{ci} = C_i/C_{fi}$ ; қишлоқ хўжалиги ерлари тупроқлари учун  $K_{ci} = C_i/C_{pdki}$

$C_i$  – i – ифлослаётган модданинг концентрацияси.

$C_{fi}$  – i – модданинг фон таркиби (10-жадвал).

$C_{pdki}$  – ифлосланаётган модданинг чегаравий йўл қўйилган концентрацияси (11-жадвал).

## 10-жадвал

### Оғир металлар ва мишиякнинг ялпи шаклларининг фон таркиблари

Тупроқлар	Zn	Cd	Pb	Hg	Си	Co	Ni	As
Чим-подзол қумлар ва қумлоқ	28	0.05	6	0.05	8	3	6	1.5
Чим-подзол қумоқ ва гилли	45	0.12	15	0.10	15	10	30	2.2
Кўнгир ўрмон	60	0.20	16	0.15	18	12	35 45	2.6
Қоратупроқ	68	0.24	20	0.20	25 20	15	35	5.6

**Тупрекдаги кимёвий моддаларнинг йўл қўйилган концентрациялари  
миқдорлари**

<b>Моддалар номи</b>	<b>Хавфлилик синфи</b>	<b>ПДК умумий миқдори, фонни ҳисобга олиб мг/кг</b>	<b>Харакатчан ПДК шакли, мг/кг</b>
Бенз/а/пирен	1	0,02	-
Бензин	3	0,1	-
Ванадий	3	150	-
Симоб	1	0,2	-
Қўрғошин	1	32	6
Никель	2	20	4
Мис	2	33	3
Мишъяқ	1	2	-
Кадмий	1	0,5	-
Кобальт	2	-	5
Рух	1	55	23

**5-Мавзу:** Ўсимлик ва тупроқ намуналарини агрокимёвий таҳлил ишларини замонавий асбоб-ускуналарда аниқлаш усувлари.

**5.1. Замонавий агрокимёвий асбоб-ускуналардан фойдаланиш.**

Автоматлашган колориметрик мажмуаси

ҳар қандай фотометрик ўлчовни тез ва самарали бажаришга имкон беради.

Тузилиши:

Фотометр (КФК-3-01 ёки Эхперт-003)

Тутқичли оқим хужайраси (С ёки тескари намуна олиш)

Шланги тизим (арматура, тўхташ жойлари, силикон шланглар)

Юқори тезликли перисталтик насос

Танловлар:

Аутосамплер (ҳар қандай технологик кассеталар учун)

Дастурний таъминот билан бошқариладиган перисталтик насос

Махсус дастурний таъминотга эга ноутбук



Үлчов ҳисоботларини чоп этиш учун принтер



SKW 400 va SKW 500 тупроқтарни таҳлил қилиш бўйича мини лаборатория. Ушбу туплам билан лаборатория ва дала шароитида тупроқдаги микроэлементларини таҳлил қилиш мумкин

5.2. Ўсимлик ва тупроқ намуналари таркибини замонавий асбоб-ускуналар оқали агрокимёвий таҳлил қилиш.

**Тупроқ ва ўсимликлар таҳлили учун тегишли тарзда ташкил этилган техник шароитлар:**

- 1) тегишли техник талаблар асосида ускуналар билан жиҳозланган тадқиқот хоналари.
- 2) Тупроқнинг кимёвий таркиби таҳлили.



- 3) Тупроқ ва ўсимлик ўртасида элементар алоқадорликни таҳлил қилиш.



## V. КҮЧМА МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

**1-мавзу. “Тупроқ таркиби ва репозиторийси, сифати таҳлил маркази” Давлат унитар корхонаси қошидаги “ТУПРОҚСИФАТТАҲЛИЛ” кимёвий таҳлил лабораториясига сайёр дарс ўтказиш.**

Сайёр дарсда тингловчилар лаборатория фаолияти билан яқиндан танишиб. Лабораторияда аниқланиши йўлга қўйилган тупроқ, ўсимлик ва сув таҳлилларини аниқлаш жараёнлари билан бевосита танишадилар:



- ❖ Агрокимёвий хусусиятлари;

- ❖ Органик моддалар миқдори;
- ❖ Тупроқ таркибидаги оғир металлар;
- ❖ Минерал ўғитлар таркибини таҳлил қилиш;
- ❖ Тупроқнинг кимёвий хоссалари;
- ❖ Тупроқнинг ёт моддалар билан ифлосланиши кабиларни аниқлаш усуллари ва таҳлил жараёни билан танишадилар.

**2-мавзу. Дала шароитида тупроқни тупроқ хосса-хусусиятларини аниқлашда замонавий асбоб-ускуналардан фойдаланиш тезкор таҳлил қилишда “Тупроқ клиникаси” мобил лабораториялари билан танишиш.**

Хозирги кунда дала шароитида агрокластерлар, фермер хўжаликлари ва бошқа ердан фойдаланувчиларга тез ва сифатли хизмат кўрсатиш замон талаби ҳисобланади. Шу мақсадда “Тупроқ таркиби ва репозиторийси, сифати таҳлил маркази” ва Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтлари томонидан ташкил қилинган “Тупроқ клиникаси” мобил лабораторияси айни муддаодир. Мазкур мобил лабораториялар энг замонавий асбоб-усекуналар билан жиҳозланшган бўлиб, дала шароитида кластер ва фермер хўжаликлари ер майдоналарининг ҳолатини таҳлил қилиш, картограммаларини тузиш каби хизматларни кўрсатади.

**3-мавзу. ТДАУ хузуридаги “Extension center” ДУК даги “Замонавий иссиқхона” фаолияти билан танишиш.**

Хозирги кунда дунёда замонавий инновацион технологиялар асосида яратилган иссиқхоналар кенг ўрин эгалламоқда. Президентимиз раҳномолигида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасда хорижий инвестицияар иштирокида қатор самарали лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, Корея Халқаро Агентлиги (КОICA)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонас гранти асосида мамлакатимизда бир нечта намунавий иссиқхоналар барпо этилиб ишга туширилди.

Президентимизнинг 2011 йил 24 ноябрда қабул қилинган «Корея Республикаси Ҳукуматининг грант маблағларини жалб этган ҳолда

«Ўзбекистонда намунавий иссиқхоналарни барпо этиш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ барпо этилган мазкур иссиқхоналар замонавий технологиялар асосида сабзавот маҳсулотлари этиштиришни кўпайтиришга хизмат қилмоқда.

Мазкур қарорга мувофиқ Корея Халқаро ҳамкорлик агентлигининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан ажратилган умумий қиймати 4 миллион АҚШ долларилик грант ҳисобига Зангиота туманидаги Ўзбекистон Сабзавот-полиз экиnlари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтида 1500 м<sup>2</sup> бўлган кўчат этиштирувчи иссиқхона, Қиброй туманини Тошкент Давлат аграр университетининг илмий-тадқиқот ва ўқув-тажриба станциясида ҳамда Юқоричирчиқ туманидаги Аҳмад Яссавий номли сув истеъмолчилари ҳудудида ҳар бирининг майдони 500 м<sup>2</sup> бўлган 2 та иссиқхона барпо этилиб, гидропоника усулида кўчат ва помидор этиштириш йўлга қўйилди.

ТДАУ ҳузуридаги “Extension center” ДУК да ташкил этилган замонавий иссиқхонага уюштириладиган сайёр дарс жараёнида тингловчилар замонавий технологиялар асосида юқори ҳосил этиштириш услубларини ўрганиб, кўникмаларга эга бўладилар.

## VI. КЕЙСЛАР БАНКИ

### **1-КЕЙС. Агрокимёвий тадбирларни илмий асосда ташкил этиш ва ўғитлардан фойдаланишнинг замонавий усулларини ўқитишида педагогик технологияларни ўрни кейс-технология.**

**Вазият:** Хозирги қунда қишлоқ хўжалик мутахассислари зиммасидаги энг муҳим вазифа-бу тупроқ унумдорлигини сақлаш, уни йил сайин мунтазам ошириб бориш, ўғитлардан илмий асосланган ҳолда фойдаланиш ва мул ва сифатли ҳосил олишни таъминлашдан иборат. Тупроқ кўплаб микдордаги газлар, қаттиқ ва суюқ моддларни ўзида сингдиради, тўплайди охир оқибат

ўсимлика ва ҳайвонга беради шу иккаласи орқали инсон организмига ўтади ёки тупроқ-ҳайвон-инсон занжирсимон узлуксиз кетма-кетлик орқали заҳарланиш юзага келади. Тупроқни оғирметаллар ва пестицидлар билан ифлосланишини, ўғитлар самарадорлигини ошириш каби муаммолар дунёнинг қўпгина давлатлари сингари мамлакатимиз учн ҳам долзарб саналади.

**Муаммо:** XXI асрда инсон яратган “механизмлар” 55000 турдаги кимёвий бирикмалар мухитга ташланмоқда, уларни кўпчилиги табиий радионуклидларни (Терн номли) Уран-238, Торий-232, фтор бирикмалари ва бошқа заҳарли токсикантлар ҳаёт учун хавфли бўлиб қолди. Бу моддаларни хавфлиги шундаки уларни ярим парчаланиш даври узоқ муддат давом этади: Уран- $45.10^9$  йил, Торий-232- $1.39.10^{10}$  қолаверса улар суюк тўқималарини кемириш хусусиятига эгадир. Шулар эътиборга олинса, агрокимёвий моддалар билан тупроққа тушаётган заҳарликларнинг кўпайиб кетганини, уларни йўқотиш чора-тадбирлари кам ишлаб чиқилганини кўрамиз.

### **Берилган кейснинг мақсади:**

Тингловчиларда тупроқга қўлланилаётган агрокимёвий тадбирларни илмий асосда ташкил этишни ўрганиш ва олинган натижалардан амалда фойдаланиш, асосий тупроқ типларининг унумдорлигини ошириш ва ер майдонларидан оқилона фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил олиш имконини яратиш билимларини шакллантириш.

### **Кутилаётган натижалар:**

- ўзлаштирилган мавзу бўйича билимларини мустахкамлаш;
- муаммонинг фанда қабул қилинган ечимнинг индивидуал ва гурухий таҳлилда билим ва кўникмаларни қайта топшириш;
- мантиқий фикрлашни ривожлантириш;
- мустақил равишда қарор қабул қилиш кўникмаларини эгаллаш;
- ўқув ахборотларини ўзлаштириш даражасини текшириб қўриш.

## **Кейсни муваффақиятли бажариш учун тингловчилар қуидаги билимларни бажариши лозим:**

тупроқнинг механик ва кимё таркиби;

тупроқнинг унумдорлик турлари;

тупроқларнинг экологик холати;

тупроқ ўғитлар таъсирида заҳарланишини келтириб чиқарувчи омиллар.

Мазкур кейс институционал тизимнинг реал фаолияти асосида ишлаб чиқилган.

### **Кейсда ишлатиладиган маълумотлар манбаи:**

Тупроқшунослик ва агрокимё илмий тадқиқот институтининг, 2012-2014 йил 1 январдан 31 декабргача бўлган фаолияти учун тайёрланган ҳисобот.

### **Кейснинг типологик хусусиятларига кўра тафсилоти:**

Мазкур кейс аудиторлик кейс тоифасига кириб, мустақил аудиториядан ташқари бажариладиган иш учун мўлжалланган. Ушбу кейс институт маълумотлари ва далиллари асосида ишлаб чиқилган. У тузилмавий кичик хажмдаги кейс ҳисобланади.

### **Техноген ифлосланган тупроқларни тиклаш тадбирлари (1-вазият)**

1. Ифлосланишга мустаҳкам маданий ва ёвойи ўсадиган ўсимликларни етиштириш. Қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган ифлосланган ерларда сифатли маҳсулот олишни таъминлайдиган ўсимлишшуносликнинг янги тузилмасини киритиш орқали қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни қайта ташкил қилиш ва қайта йўналтириш бажарилади. Ифлослантирувчиларнинг кўп элементи туркумига эга бўлган фавқулодда экологик холат зоналарида сабзавот етиштиришдан дон-озуқа алмашлаб экишга ва уй ҳайвонларини боқишининг маҳсус режими билан чорвачиликни ривожлантиришга ўтиш мақсадга мувофиқ.

2. Оғир металларни вегетатив органларида йиғишига лаёқатли ўсимликлар ёрдамида тупроқни рекультивациялаш (фиторекультивация). Вегетация даврида дараҳт автомобил йўли ёқасида ўзига 130 кг бензиндаги кўрғошин миқдорига тенг миқдорда кўрғошин миқдорини йиғади, шунинг

учун ифлосланган райондаги аҳоли пунктларида тушган баргларни йифиб олиш ва йўқотиш мақсадга мувофиқ. Тупроқларни рух, қўрғошин ва кадмийдан тозалаш учун улкан, катта қалампир, қўрғошин ва хромдан – горчица, никелдан – гречиха ва х.к. радиоактив изотоплар билан ифлосланганда нўхат, беда, тамакидан фойдаланиш мумкин.

3. Оғир металлар билан ифлосланган ерларни рекультивациялашда тупроқда қийин эрийдиган бирикмаларни ушлаб туриш ва ҳосил қилишга катта эътибор берилади. Бунинг учун юқорида келтирилган усулларга қўшимча сунъий ва табиий адсорбентлар ишлатилади. Табиийларига торф, мох, қоратупроқлар, сапронель, бектонит ва бентонитга ўхшаш гиллар, глауконит қумлар, клинонилолитлар, диатемитлар ва х.к. лар киради. Сунъий адсорбентлар табиий адсорбентларни фаоллаштириш ва кўчириш натижасида яратилади, масалан, фаоллаштирилган қўмир, алюмасиликат ва темир-алюмасиликат адсорбентлар, қўмиралюмагеллар, «СОРБЭКС» адсорбенти, ионалмашинувчи смолалар, полистирол.

Адсорбентларнинг танлаш қобилияти маълум бир металларга йўналтирилиши мумкин, масалан, «МЕРКАПТО-8-ТРИАЗИН» адсорбентидан фойдаланганда кадмий, қўрғошин, симоб ва никель ўсимликлар учун ўзлаштира олинмайдиган бирикмаларга ўтади (Япония, Франция, Германия ва бошқалар тажрибаси), клиноптололитни қўллаш ўсимликларга қўрғошин, хром, кадмий, мис, рух киришини анча пасайтиради ва х.к.

4. Тупроқдаги кимёвий элементлар нисбатларини тўғрилаш. Ушбу усул асососида кимёвий моддалар антоганизми ва синергизми ётади, яъни, бир элементнинг иккинчи бир элементнинг ўсимликка киришига тўсқинлик қилиши ёки имкон бериши, мисол учун, рух симоб киришига тўсқинлик қиласи, фосфорнинг ошиқчалиги эса рух, кадмий, қўрғошин ва миснинг токсиклигини пасайтиришга олиб келади, кальций мавжудлиги бир хил металлар учун антогонистик, бошқалар учун синергик шароитлар яратади, унумдор тупроқда рух ва кадмий, мис ва қўрғошиннинг бирикишига

қаршилик кўрсатади, кам унумдор тупроқда эса жараён тескари йўналишда ривожланиш мумкин.

5. Рекультивацион қатlam яратиш, тупроқнинг ифлосланган қатламини алмаштириш ёки аралаштириш кўп қатламли схема бўйича ўтказилиши мумкин, шунингдек, тупроқнинг бир қатламини олдиндан экранлаштирилган ёки экранлаштирилмаган ифлосланган сатҳга ётқизиш йўли билан бажарилади.

### **Топшириқлар:**

1. Республикализнинг қайси регионларида техноген ифлосланган тупроқлар мавжудлигини аниқланг?

2. Рекультивация қилишда нималарга эътибор бериш зарур?

### **Амалий вазиятни босқичма-босқич таҳлил қилиш ва хал этиш бўйича тингловчиларга услубий кўрсатмалар**

#### **Тингловчиларга йўриқнома**

Иш босқичлари Маслахатлар ва тавсияномалар	Маслахатлар ва тавсияномалар
1-кейс ва унинг ахборот таъмино- ти билан танишиш	Аввало кейс билан танишинг “Агрокимёвий тадбирларни илмий асосда ташкил этиш ва ўғитлардан фойдаланишнинг замонавий усуллари” хақида тушунча ҳосил қилиш учун бор бўлган бутун ахборотни диққат билан ўқиб чиқиш лозим. Ўқиши пайтида вазиятни таҳлил қилишга шошилманг
2-берилган вазият билан танишиш	Маълумотларни яна бир маротаба диққат билан муҳим бўлган сатрларни белгиланг бир абзацдан иккинчи абзацга ўтишдан олдин уни икки уч маротаба ўқиб мзмунига кириб борамиз. Кейсдаги муҳим фикрларни

	<p>қалам ёрдамида остини чизиб қўйинг. Вазият тавсифида берилган асосий тушунча ва ибораларга дикқатингизни жалб қилинг.</p> <p>Ушбу вазият хозирги пайтда Республика мизда техноген ифлосланган майдонларни салмоғи ортаётганлиги, инсон ушбу муаммони олдини олиш ва унга қарши кураш йўлларини топмоғи лозимлиги уни яхшилаш тавсияларни санаб ўтиш ва қандай агротехник тадбирларни қўллаш аниқлаштириш лозимлигини аниқланг.</p>
3-муаммоли вазиятни тахлил қилинг	<p>Асосий муаммо ва кичик муаммоларга дикқатингизни жалб қилинг.</p> <p>Асосий муаммо: “ Агрокимёвий тадбирларни илмий асосда ташкил этиш ва ўғитлардан фойдаланишининг замонавий усуслари”.</p> <p>Қуйидаги саволларга жабов беришга харакат қилинг.</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Агрокимёвий тадбирларни илмий асосда ташкил этиш деганда нимани тушунасиз?</li> <li>2. Қандай ўғитлардан фойдаланишининг замонавий усусларини биласиз?</li> <li>3. Тупроқни оғир металлар билан ифлосланишини олдини олиш учун қандай тадбирлар ўтказиш керак?</li> </ol> <p>Асосий муаммо нимага қаратилганлигини аниқланг.</p> <p>Муаммонинг асосий мазмунини ажратиб олинг. Муаммоли вазиятни тахлил қилиш-объектнинг холатини аниқланг, асосий қирраларига эътибор қаратинг</p> <p>муаммоли вазиятнинг ҳамма томонларини тахлил қилинг.</p> <p>Ерларимизни техноген ифлосланишлардан асрар умуминсоният олдида турган улкан вазифалар билан боғлик</p>

	эканлигини кўрсатиб беринг.
4-муаммоли вазиятни ечиш усул ва воситаларини танлаш ҳамда асослаш	<p>Ушбу вазиятдан чиқиб кетиш харакатларни излаб топиш мақсадида қўйида</p> <p>тақдим этилган “Муаммоли вазият” жадвалини тўлдиришга киришинг.</p> <p>Муаммони ечиш учун барча вазиятларни кўриб чиқинг, муқобил вазиятни яратинг. Муаммонинг ечимини аниқ вариантлардан танлаб олинг: муаммонинг аниқ ечимини топинг. Жадвални тўлдиринг. Кейс билан ишлаш натижаларини ёзма шаклда илова этинг.</p>

### **Кейс билан ишлаш жараёнини баҳолаш мезонлари ва**

#### **кўрсаткичлари**

(мустақил аудиториядава аудиториядан ташқари бажарилган иш учун)

**Аудиториядан ташқари бажарилган ишучун баҳолаш мезонлари ва**

#### **Кўрсаткичлари**

Гурӯхлар рўйхати	Гурӯх фаол мак. 1 б	Маълумотлар кўргазмали тақдим этилди ак. 4 б	Жавоблар тўлиқ ва аниқ берилди мак. 5 б	Жами мак. 10 б

### **Аудиторияда бажарилган иш учун баҳолаш мезонлари ва**

#### **кўрсаткичлари**

8-10 балл-аъло, 6-8 балл-яхши, 4-6 балл-қониқарли

Гурӯхлар рўйхати	Гурӯх фаол мак. 1 б	Маълумотлар кўргазмали тақдим	Жавоблар тўлиқ ва	Жами мак. 10 б

		этилди ак. 4 б	аниқ берилди мак. 5 б	

### **Педагогик аннотация:**

Тупроқ эррозияси ва унга қарши курашиш чоралари

- ўзлаштирилган мавзу бўйича билимларини мустахкамлаш;
- муаммонинг фанда қабул қилинган ечимнинг индивидуал ва гурӯхий таҳлилда билим ва кўникмаларни қайта топшириш;
- мантиқий фикрлашни ривожлантириш;
- мустақил равишда қарор қабул қилиш қўникмаларини эгаллаш;
- ўқув ахборотларини ўзлаштириш даражасини текшириб қўриш.

### **2-КЕЙС. Замонавий ГАТ (геоахборот тизимлари)дан фойдаланиб агрокимёвий хариталарни тузишни ўқитишида педагогик технологияларни ўрни кейс-технология**

**Вазият.** Хозирги кунда қишлоқ хўжалик мутахассислари зиммасидаги энг муҳим вазифа-бу тупроқ унумдорлигини сақлаш билан бирга уни йил сайин мунтазам ўзгариб бораётган-хосса-хусусиятларини тавсифловчи карта ва картограммаларни тузишдан иборат. Суғориладиган ерларнинг озиқа моддалари билан таъминланганлиги, сифат таркибининг тавсифи ҳамда ерларни иқтисодий жихатдан баҳолашда ГАТ технологиядан фойдаланган ҳолда тупроқ карталари ёритилади. Бу “понорама” ва “ARGIS” дастурлари ёрдамида эрозия жараёнларининг ривожланиш қонуниятлари, тупроқни эрозиядан муҳофаза қилишни ўрганиш ва олинган натижалардан амалда фойдаланиш, асосий тупроқ типларининг унумдорлигини ошириш ва ер

майдонларидан оқилона фойдаланган холда қишлоқ хўжалик экинларидан, мўл ҳосил олишга имкон яратади.

**Муаммо:** Қишлоқ хўжалик экинларини минерал ва органик ўғитлар билан озиқлантиришда тупроқлада озиқа моддаларни миқдори, заҳираси ва улардан тўғри фойдаланиш муҳим вазифа саналади. Тупроқ ва атроф муҳитга зарар етказмагн ҳолда ўғитлардан рационал ва илмий асосланган холда фойдаланиш ҳозирги кундаги долзарб муаммолардан саналади.

**Берилган кейснинг мақсади:** тингловчиларда Агрокимёвий хариталарни тузиш ва ГАТ (геоахборот тизимлари)дан фойдаланиш бўйича замонавий ГАТ технологияни жорий қилиш, ўрганиш ва олинган натижалардан амалда фойдаланиш, асосий тупроқ типларининг унумдорлигини ошириш ва ер майдонларидан оқилона фойдаланган холда қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил олиш имконини яратиш учун ГАТ технологияларни шакллантириш.

### **Кутилаётган натижалар:**

- ўзлаштирилган мавзу бўйича билимларини мустахкамлаш;
- муаммонинг фанда қабул қилинган ечимнинг индивидуал ва гурухий таҳлилда билим ва кўникмаларни қайта топшириш;
- мантиқий фикрлашни ривожлантириш;
- мустақил равишда қарор қабул қилиш кўникмаларини эгаллаш;
- ўкув ахборотларини ўзлаштириш даражасини текшириб кўриш.

### **Кейсни муваффақиятли бажариш учун тингловчилар қуидаги билимларни бажариши лозим:**

ГАТ технологиядан фойдаланиш;

ГАТ технологияни қўллаш;

Понорама ва ARGIS дастурларини ўрганиш;

Понорама ва ARGIS дастурлари асосида карталарни яратиш;

Тупроқ электрон карталарни тузишни ўрганиш ;

Мазкур кейс институционал тизимнинг реал фаолияти асосида ишлаб чиқилган.

### **Кейсда ишлатиладиган маълумотлар манбаси:**

Тупроқшунослик ва агрокимё илмий тадқиқот институти, 2020 йил 1январдан 31 декабргача бўлган фаолияти учун тайёрланган аудиторлик ҳисобот.

### **Кейснинг типологик хусусиятларига кўра тафсилоти:**

Мазкур кейс аудиторлик кейс тоифасига кириб, мустақил аудиториядан ташқари бажариладиган иш учун мўлжалланган. Ушбу кейс Тупроқ бонитировка шўъба маълумотлари ва далиллари асосида ишлаб чиқилган. У тузилмавий кичик хажмдаги кейс ҳисобланади.

### **Замонавий ГАТ технологиялардан фойдаланиш (1-вазият)**

Географик ахборот тизимлари (ГАТ) XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб ривожлана бошлаган, лекин бу тизимнинг кенг ривожланиши 90-йилларга тўғри келади. Бунга сабаб шу кейинги 20 йил ичида компьютер технологиясининг анча ривожланиши бўлди. Карталар яратишнинг “қоғозли”деб аталган одатдаги технологияси билан бир қаторда географик ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда карталар яратишнинг компьютерли технологияси жадал суръатлар билан ривожланмоқда.

Оддий қилиб айтганда, ГАТга табиат ва жамият обьектлари ва ҳодисалари ҳақидаги топографик, геодезик, ер, сув ресурслари ва бошқа картографик ахборотни йиғиш, уларга ишлов бериш, ЭҲМ хотирасида сақлаш, янгилаш, таҳлил қилиш, яна қайта ишлашни таъминловчи автоматлаштирилган аппаратлашган дастурли комплекс деб таъриф берса бўлади.

Барча ГАТларда маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, хотирада сақлаш, янгилаш, таҳлил қилиш ва маълумотларни компьютерда ёки етарли даражада тасвир хусусиятини қайта ишлай оладиган маҳсус дастурда техник

воситалар орқали ушбу жараёнларни бажариш усуллари эътиборга олинган. Демак, ГАТ- турли усуллар билан тўпланган табиий тармоқлар ҳақидаги кенг мазмунли маълумотлар базасига таянган мукаммал ривожланган тизим ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда фойдаланиш соҳаларининг кенглиги жихатидан ГАТнинг тенги йўқ - у навигация, транспорт, қурилиш, геология, ҳарбий ишлар, иқтисодиёт, экология ва бошқа соҳаларда кенг қўлланилмоқда. Географик ахборот тизимлари ер тузишда, турли тизим кадастрларида, картографияда ва геодезияда кенг қўлланилмоқда, чунки катта ҳажмдаги статистик, фазовий, матнли, графикили ва бошқа кўринишдаги маълумотларни қайта ишлаш ва уларни тасвирлашни ГАТ тизимисиз амалга ошириш мумкин эмас.

Бугунги кунда илмий тадқиқотлар ва амалий фаолиятда кўплаб ГАТлар ишлатилади, лекин улар орасида шахсий ГАТлар кенг тарқалган. Жумладан, уларга GeoDraw, GeoGraph (АҚШ), AtlasGis, WinGis, ArcInfo, MapInfo (АҚШ) ва бошқа дастурларни мисол келтириш мумкин.

ГАТ – бу табиат ва жамият тўғрисидаги топогеодезик, Ер ресурслари ва бошқа соҳалардаги картографик маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш, сақлаш, янгилаш, таҳлил қилиш ва тасвирлашни таъминлайдиган аппарат-дастурли автоматлашган комплексдир.

### **Топшириқ:**

1. Географик ахборот тизимлари (ГАТ) нечанди йилларда амалга жорий этилганлигини аниқланг?
2. Географик ахборот тизимлари (ГАТ) қанадай вазифаларни бажаради.
3. Бизда ва хорижда қанақа дастурлардан фойдаланишади?

## **АМАЛИЙ ВАЗИЯТНИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ВА ХАЛ ЭТИШ БЎЙИЧА ТИНГЛОВЧИЛАРГА УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР**

**Тингловчиларга йўриқнома**

<p>Иш босқичлари</p> <p>Маслахатлар ва</p> <p>тавсияномалар</p>	<p>Маслахатлар ва тавсияномалар</p>
<p>1-кейс ва унинг ахборот таъмино- ти билан танишиш</p>	<p>Аввало кейс билан танишинг “Замонавий ГАТ технологиялари асосида агрохимкартограммалар тузиш” хақида тушунча ҳосил қилиш учун бор бўлган бутун ахборотни диққат билан ўқиб чиқиш лозим. Ўқиши пайтида вазиятни тахлил қилишга шошилманг.</p>
<p>2-берилган вазият билан танишиш</p>	<p>Маълумотларни яна бир маротаба диққат билан муҳим бўлган сатрларни белгиланг бир абзацдан иккинчи абзацга ўтишдан олдин уни икки уч  маротаба ўқиб мзмунига кириб борамиз. Кейсдаги муҳим фикрларни  қалам ёрдамида остини чизиб қўйинг. Вазият тавсифида берилган асосий  тушунча ва ибораларга диққатингизни жалб қилинг.</p>
<p>3-муаммоли вазиятни тахлил қилинг</p>	<p>Асосий муаммо ва кичик муаммоларга диққатингизни жалб қилинг.  Асосий муаммо: “ Замонавий ГАТ технологиялари асосида агрохимкартограммалар тузиш ”.  Куйидаги саволларга жабов беришга харакат қилинг.  1. ГАТ технология деганда нимани тушунасиз?  2. “Понорама”, “ARGIS ” дастурлар деганда нимани тушунасиз?  3. Рақамли агрехимкартограммалар тузиш учун қандай</p>

	<p>тадбирлар ўтказиш керак?</p> <p>Асосий муаммо нимага қаратилғанлигини аниқланг.</p> <p>Муаммонинг асосий мазмунини ажратиб олинг. Муаммоли вазиятни тахлил қилиш - объектнинг холатини аниқланг, асосий кирралариға эътибор қаратинг муаммоли вазиятнинг ҳамма томонларини тахлил қилинг. Ерларимиз эрозиядан асраш умуминсоният олдида турган улкан вазифалар билан боғлиқ эканлигини кўрсатиб беринг.</p>
4-муаммоли вазиятни ечиш усул ва воситаларини танлаш ҳамда асослаш	<p>Ушбу вазиятдан чиқиб кетиш харакатларни излаб топиш мақсадида қуйида тақдим этилган “Муаммоли вазият” жадвалини тўлдиришга киришинг.</p> <p>Муаммони ечиш учун барча вазиятларни кўриб чиқинг, муқобил вазиятни яратинг. Муаммонинг ечимини аниқ варианtlардан танлаб олинг: муаммонинг аниқ ечимини топинг. Жадвални тўлдиринг. Кейс билан ишлаш натижаларини ёзма шаклда илова этинг.</p>

### **Кейс билан ишлаш жараёнини бахолаш мезонлари ва**

#### **кўрсаткичлари**

(мустақил аудиторияда ва аудиториядан ташқари бажарилган иш учун)

**Аудиториядан ташқари бажарилган иш учун бахолаш мезонлари ва**

#### **Кўрсаткичлари**

Гурӯхлар рўйхати	Гурӯх фаол мак. 1 б	Маълумотлар кўргазмали тақдим этилди ак. 4 б	Жавоблар тўлиқ ва аниқ берилди мак. 5 б	Жами мак. 10 б

**Аудиторияда бажарилган иш учун баҳолаш мезонлари ва  
кўрсаткичлари**

8-10 балл-аъло, 6-8 балл-яхши, 4-6 балл-қониқарли

Гурухлар рўйхати	Гурух фаол мак. 1 б	Маълумотлар кўргазмали тақдим этилди ак. 4 б	Жавоблар тўлиқ ва аниқ берилди мак. 5 б	Жами мак. 10 б

**Педагогик аннотация:**

Замонавий ГАТ технологиялари асосида карталар тузишни

- тавсия этилган кейсни ечиш қўйидаги натиажаларга эга бўлиш зарур.
- ўзлаштирилган мавзу бўйича билимларни мустахкамлаш;
- муаммонинг ҳамда қабул қилинган ечимнинг индивидуал ва гуруҳий таҳлилида билим ва кўникмаларни қайта топшириш;
- мантиқий фикрлашни ривожлантириш;
- мустақил равишда қарор қабул қилиш кўникмаларини эгаллаш;
- ўқув ахборотларини ўзлаштириш даражасини текшириб қўриш.

**VII. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ**

**Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Тингловчи мустақил ишни муайян модуллар хусусиятларини ҳисобга олган холда қўйидаги шакллардан фойдаланиб бажаради:

- Реферат (модулга ажратилган соатлар ҳажмидан келиб чиқиб белгиланади).
- Тақдимот (танланган мавзу асосида тақдимот тайёрланади).
- Мутахасислик фани бўйича ўқув-дидактик материаллар тайёрлаш.

- Мутахасислик фани бўйича машғулотлар ишланмаларини лойиҳалаш.

- Даражали тестлар банкини яратиш.
- Кейслар банкини яратиш.
- Ижодий топшириқлар ишлаб чиқиш.

Мустақил иш мазмуни танланган мавзуга мос бўлиб уни бажаришда қуидагиларга эътибор берилади:

Таркиби:

- титул вараги;
- кириш;
- асосий қисм;
- хулоса;
- Фойдаланилган адабиётлар: рўйхати;
- илова (интернет тармоғидан олинган маълумотлар, амалий материаллар нусхалари, дарс ишланмаси ва б.).

Мазмуни:

- тавсия қилинган адабиётларни муроала қилиш;
- мутахасислик фанларида инновациялардан фойдаланиш;
- мультимедия дарсликларини яратиш мезонлари;
- тингловчи билан индивидуал ишлашда педагогик маҳорат;
- касбий педагогика муаммолари;
- интернетда мавзуга оид маълумотларни излаш ва муроала қилиш;
- малака ошириш курси давомида мустақил дарс олиб бориш;
- дарснинг маъruzаси, тарқатма материаллари, технологик картасини тайёрлаш;
- касбий педагогиканинг услубий таъминоти муаммолари;
- педагогик фаолиятда анъанавий ва инновациялар;
- ўзбек педагогик услубиёти ва унинг модернизацияси.

Мустақил иш мазмуни ва шакли йўналиш таркибидаги модуллар хусусиятларини ҳисобга олган холда кенгайтирилиши ва ўзгартирилиши мумкин.

### **Мустақил таълим мавзулари:**

1. Агрокимёвий тадбирларни илмий асосда ташкил этишнинг ташкилий тамойиллари, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва тиклашдаги аҳамияти.
2. Тупроқ унумдорлиги ва қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини оширишда бактериал ўғитлар ва биопрепаратларнинг афзалликлари.
3. Сабзавот ва полиз экинларида микробиологик ва биоўғитларни қўллашни ташкил этиш.
4. Ўғитлардан фойдаланишнинг замонавий усллари.
5. Ўғитлардан фойдаланишда ташки мухит омиллари ва агротехникавий шароитларни ҳисобга олиш.
6. Ўғит ишлаб чиқарувчи корхоналар чиқитлари ва маҳаллий хом ашёданлардан тайёрланган ноанањавий ўғитларни қишлоқ хўжалик экинларига қўллаш афзалликлари.
7. Ресурстежамкор технологияларни тупроқ унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлигига таъсири.
8. Тупроқнинг оғир металлар ва пестицидлар билан ифлосланиши ва уни бартараф қилишда замонавий ёндашувлар
9. Минерал ва органик ўғитлар таркибидаги оғир металлар ва уларни атроф-муҳит ва тупроқга таъсири.
10. Деградациясига учраган Оролбўйи ҳудуди тупроқлари унумдорлигини тиклаш, сақлаш ва оширишнинг самарадор йўллари.
11. Ўғитлар самарадорлиги моделлаштириш ва қишлоқ хўжалик экинлар ҳосилини башоратлаш.
12. Органик дехқончиликда ўғит қўллаш.

13. Республикаизда аниқ дәхқончилик юритиш бўйича олиб бориладиган тадбирлар

14. ГАТ технологиясидан фойдаланган ҳолда тупроқ ва агрокимёвий картаномалар тузишнинг афзаликлари.

### VIII.ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шархи	Инглиз тилидаги шархи
Кишлоқ хўжалигини кимёлаштириш	Тупрокларнинг табиий унумдорлигини кимёвий моддалар билан ошириш ёки тўлдириш, екинларга тушадиган зааркунандаларга қарши курашиш, шунингдек, бегона ўтларга қарши гербициidlар қўллаш каби тадбирлар	Measures such as increasing or increasing the natural productivity of the soil by chemicals, combating crop pests, and applying herbicides against weeds
Минерал ўғитлар	Ўсимликлар учун зарур бўлган озиқ элементларни тутган, аксарият ҳолларда	Inorganic substances in most of the form that contain nutritional

	түз кўринишидаги ноорганик моддалар	elements necessary for plants
Азотли ўғитлар	<p>Ўсимликларни озиқланишида азот манбай сифатида кўлланиладиган органик ва минерал моддалар. Азотли ўғитлар органик (гўнг, торф, компост), минерал (аммиакли селитра, мочевина, аммоний сульфат) ва яшил ўғитлар (люпин, сераделла ва бошқа ўсимликларнинг яшил массаси)га бўлинади.</p> <p>Минерал азотли ўғитларда азот аммиак, аммиак-нитрат, нитрат ва амид ҳолида учраши мумкин</p>	<p>Organic and mineral substances used as a source of nitrogen in plant nutrition.</p> <p>Nitrogenous fertilizers are subdivided into organic (fertilizer, peat, compost), mineral (ammonium nitrate, mochevina, ammonium sulphate) and green fertilizers (green mass of lipine, seradella and other plants) . In mineral nitrogen fertilizers nitrogen can be found in ammonia, ammonium nitrate, nitrate and amide</p>
Кўкат ўғитлар	<p>Тупроқни органик модда ва озот билан бойитиш мақсадида унга қўшиб ҳайдаб юбориладиган кўкариб турган ўсимлик массаси. Кўкат ўғит сифатида дуккакли екинлар (люпин, сераделла, қашқарбеда, кузги вика,</p>	<p>The mass of vegetable mass, which is expelled from the soil for organic matter and nutrient enrichment. Lubricants (lupine, seradella, kashqarbea, autumn vica, esparset, etc.) are grown as a fertilizer.</p>

	еспарсет ва бошқалар) йетиширилади.	
Органик (маҳаллий) ўғитлар	Таркибидаги озиқ моддалари ўсимлик ёки ҳайвонларга хос органик бирикмалар ҳолидаги ўғитлар. Органик ўғитларга маҳаллий ўғитлар,	Foodstuffs contained in the fertilizer in the form of organic or organic compounds. Organic fertilizers include local fertilizers,
Ўғитларнинг самарадорлиги	Минерал ва органик ўғитларнинг паҳта ҳосили ва унинг сифатини оширишдаги ролини белгиловчи кўрсаткич	An indicator that identifies the role of mineral and organic fertilizers in the cotton harvest and its quality improvement
Агрокимёвий хаританома	Тупроқларнинг озиқ элементлари билан таъминланганлиги ёки оҳаклаш ва гипслашга бўлган талабини кўрсатувчи харита. Ўғитга бўлган умумий талабини аниқлашда ёки алоҳида далаларни ўғитлашни йўлга кўйишда фойдаланилади.	A map showing the need for soils to be provided with food elements or for lime and plastering. It is used to determine the general demand for fertilizer or to establish specific fertilizer fertilizers.
Органик дехқончилик юритишдаги ўғитлар	Гўнг, компост, ўсимлик қолдиқлари, фосфорит	Organic cultivation think fertilizers, manure, compost, crop residues, phosphate
Органик дехқончилик	Табиий органик ва минерал ўғит етишириш хисобига	The organic cultivation of natural, organic and

	тупроқ унумдорлигини ошириш ва сифатли хосил етиштириш.	mineral fertilizers to grow crops to improve soil fertility and quality at the expense of dressing .
Тупроқни мухофазаловчи ва ресурс тежовчи агротехнологиядан фойдаланилганда тупроқдаги фосфор	Фосфорни ўсимлик томонидан тупроқдан ўзлаштирадиган микдори ортади	Soil protection and resource - saving agricultural use tuparoqdagifosfor- increase the amount of phosphorus in the soil by the plant Tradable
Аник ўғит қўллаш	Хар бир дала холатидан келиб чиқсан холатда ўғитлаш	The precise application of fertilizer and fertilizing each individual state of origin of the case
SPAD-502-	Азотли ўғитлар меъёрига тузатиш киритиш прибор	SPAD - 502 - nitrogenous fertilizers normal correction equipment
ЕС-метр	Тупроқ шўрланишини тезкор аниқлаш прибор	The EU - meters of soil salinity rapid detection equipment
Ўғитлашда рангли диаграмма	Азотли ўғитларга бўлган талабини аниқлаш	Fertilize the color chart to determine the demand for nitrogen fertilizers
ArcGIS	Хаританома тузишида ГАТ асосида компьютер дастуридан фойдаланиш.	ArcGIS Xaritanoma creating a computer program based on GIS .

<b>Аниқ қишлоқ хўжалик юритишининг таркибий қисми</b>	<p>Минерал ва органик ўғитларни кўллаш; бегона ўтларга қарши кураш; зааркунандаларга қарши кураш; экин парваришини аниқ бошкариш; сугоришни аниқ бошкариш.</p>	<p>In the final part of the agricultural activity and plenty of mineral and organic fertilizers; The fight against weeds; The fight against pests; crop care management; irrigation management</p>
<b>Green Seeker прибор</b>	<p>Ердан устки кўк биомасса миқдорини аниқлаш.</p>	<p>Green Earth Seeker uskunasi- the top to determine the amount of green biomass</p>

## **IX. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

### **I-Махсус адабиётлар:**

1. Зокиров Т.С. Пахта даласи экологияси. Тошкент, «Меҳнат», 1988.54-76 бет услубий қўлланма
2. Мусаев Б.С. Агрокимё (дарслик). Тошкент, «Шарқ», 2001.
3. Мусаев Б.С. Тажриба ишлари услубиёти (ўқув қўлланма). Тошкент, «Университет», 1995.
4. Ниязалиев Б.И., Ибрагимов Н.М. Эффективность применения органических и органоминеральных удобрений в хлопководстве. монография. 2019 г. Тошкент-2019 г, Издательство «Навруз», 396 с.
5. Ниязалиев Б.И., Тиллабеков. Б.А. Влияние фосфорных удобрений, содержащих микроэлементы (медь и молибден), на содержание подвижного фосфора в почве и урожайность хлопчатника.// Актуальные проблемы современной науки. Москва, 2017, №5 (96) . С 86-88.
6. Сатторов Ж.С. Минерал ўгитлар самарадорлигини ошириш йўллари. Монография. Тошкент-2018.
7. Смирнова П.М., Муравина Э.А. Агрохимия - 2-е изд., перераб. и доп. - М.:Колос, 1984. -304с. под ред.
8. Чеботарь В.К., Завалин А.А., Ариткин А.Г. Применение биомодифицированных минеральных удобрений // Ульяновск. УлГУ, 2014
9. Blanco, H., R. Lal. Principles of soil conservation and management. 2008. Springer.
10. Lal, R., B.A.Stewart. Principles of Sustainable Soil Management in Agroecosystems. 2006. CRC Press, USA.
11. Methods of Soil Analysis. Part 3. Chemical Methods (Soil Science Society of America Book Series, No. 5). (Ed. Donald Sparks)
12. Rattan Lal. Soil Quality and Agricultural Sustainability. 2006. CRC Press, USA

**Қўшимча адабиётлар:**

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргалиқда барпо этамиз. Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. – 56 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. “Ўзбекистон” НМИУ, 2018.– 47 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. – 485 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. – 103 б.
5. Жабборов.З.А. Абдрахманов Т.А., Вахабов А.Х., Мавлянов М,И, “Тупрокларнинг нефт ва нефт маҳсулотлари билан ифлосланиши ва унинг тупрок микроарганизмлари ривожланишига тасири”, Узбекистон биология журнали № 5.2005. ўқув қўлланма 61-64 б.
6. Мухаммадиев А.М., Зияев.С.Д Иоганзен .Б.Г, Иголкин Н.И. “Табиат муҳофазаси ва экология”-Т. Уктувчи, 1988. ўқув қўлланма 45-64 бет 9.Agricultural Research Center. This describes the Oregon study of sunflowers as part of a wheat cropping sequence.
7. Патент UZ IAP 04712, 2013 г. Штамм фосформобилизующих бактерий *Bacillus subtilis* BS-26 с полифункциональными свойствами для использования в растениеводстве/ Джуманиязова Г.И., Закирьяева С.И., Нарбаева Х.С., Зарипов Р.Н., Бережнова В.В., Карабоджаева Х.Т., Икрамова С.Н., Ким А.А., Ядгаров Х.Т // 2013.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар

стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 6-сон, 70-модда

9. Юлдошев.Ф. Абдурахманов.Т. “Тупрок кимёси” –Т.

Университет.2006 ўкув қўлланма 8-36 бет

10. Werner, M.R., and D.L. Dindal. 1990. Effects of conversion to organic agricultural practices on soil biota. *American Journal of Alternative Agriculture* 5(1): 24-32.

### **Интернет ресурслар:**

1. Ўзбек интернет ресурсларининг каталоги: [www.uz](http://www.uz)
2. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
3. Axborot resurs markazi <http://www.assc.uz/>
4. <http://www.amazon.com/Principles-Sustainable-Management-Agroecosystems>
5. <http://soilerosion.net/>
6. [www.zeonet.uz](http://www.zeonet.uz)
7. [www.agrar.uz](http://www.agrar.uz)
8. [www.kitoblar.uz](http://www.kitoblar.uz)
9. [www.kutubxona.uz](http://www.kutubxona.uz)
10. [www.booksee.org](http://www.booksee.org)
11. [www.soil](http://www.soil) science
12. [www.soil](http://www.soil) mapping